O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 19-avgust, 2009-yil ● №35 (638) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz


"ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" МУЗЕЙИ ТАШКИЛ ЭТИЛСА...



Фестивалга дунёга танилган санъат мутахассислари ҳакамлик қилишади. 2005 йилда тадбирда иштирок этган таниқли хонанда Шарль Азнаур "Самарқанд худди ўтмишдаги каби халқаро санъатнинг таржимонига, дунё маданиятининг кўргазмасига айланмоқда" деган эди.

➪ 2-бет

КИТОБ ИНСОН МАЪНАВИЯТИНИ БОЙИТАДИ



Одамларнинг китобдан узоқлашиб бораётганига яна бир сабаб бор назаримда. Ҳар бир вилоятнинг туман марказларида илгари 2-3 та китоб дўкони бор эди. Ҳозир эса бундай дўконлар бор жойда бор, лекин аксарият ҳудудларда улар турли дўконларга айлантириб юборилган.

➪ 6-бет

ИЛДИЗИ БАҚУВВАТ ДАРАХТ ҚУРИМАЙДИ



Дарҳақиқат, ўзбекнинг бой миллий қадриятига бошқалар ҳавас қилсинлар. Ахир, гўдакнинг дунёга келиши билан бошланадиган ширин она алласи, атак-чечак қадам ташлашига бағишланган миллий урфларимиз, мучал ёшига етган болакайларга аталган тўйлар яна қайси миллатда бор?

➪ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 август куни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Марказий Қўмондонлиги қўмондони Девид Петреусни қабул қилди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг истиқболига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ 12 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳаммедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

■ **14 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисини шу йил 28 август куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунларини, жумладан, "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Электр энергетикаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 256-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонунларни киритиш режалаштирилмоқда.

■ Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси Президентининг махсус вакили, Миллий ассамблеяси депутати Ан Санг Су раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида музокаралар ўтказди.

Мулоқотлар чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасида ҳамкорликнинг истиқболига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.



АҲВОЛ

Коллежга ўқувчи келмаса... ким айбдор?

"Болангизни коллежга қўйишда ўйлаброқ иш тутинг, биродар. Яхшигина иш жой эгаси бўладиганига беринг".


Бу хилдаги гап-сўзлар қулоғимизга гоҳи-гоҳида бўлса-да чалиниб туради. Хўш, аслида қайси коллеж яхшироқ? Бу ҳақда ҳар кимнинг ўз фикри бор, албатта.

Дўппини бир чеккага олиб қўйиб, ўйлаб кўрайлик. Ҳеч ким учун сир эмас, бизнинг юртимизда кечаётган ислоҳотлар суръати ва самарасига қўни-қўшнилар ҳам ҳавас билан қараб туришибди. Жаҳонга таҳдид солаётган иқтисодий бўҳронлар шароитида ҳам халқ хўжалигининг бирон-бир тармоғи йўқки, ривожланмаётган бўлса. Гапнинг рости, биз учун эртага фақат ҳуқуқшунос-у шифокор, банк иши ёйинки молия мутахассисигина эмас, балки яна минг-минглаб темирйўлчи, чилангар-у пармаловчи, маиший хизмат, йўл қурилиши ёхуд бизнес иши бўйича касб-ҳунарга эга бўлган кадрлар ҳам керак бўлади.

Энди баъзилар бироз беписандлик билан қараётган агросаноат соҳасини олайлик. Халқимизни энг асосий ноз-неъматлар билан кимлар сийлаб турибди? Албатта, деҳқонлар-у боғбонлар, ғаллакор-у чорвадорлар.

Айниқса, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури шарофати билан қишлоқларимиз инфратузилмасини шакллантириш, деҳқончилик маҳсулотларини жойида қайта ишловчи технологияни жорий этиш, ўсимликшунослик ва фермер хўжаликлари фаолиятини янгича асосларда бошқариш масалаларига катта эътибор берилаяпти. Эндиликда даврнинг ўзи қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича минг-минглаб ўрта бўғин мутахассисларини, ана шу соҳаларда иш юрита оладиган касб-ҳунар эгаларини қишлоқ томон чорламоқда.

(Давоми 2-бетда.)



ТАЪЛИМ

ЭРТАМИЗНИНГ ЁРУҒ УМИДЛАРИ

Маърифатпарвар аждодимиз Абдулла Авлоний "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидур" деганида нақадар ҳақ эди. Чиндан ҳам халқимиз учун фарзанд тарбияси ҳамиша муҳим вазифа бўлиб келганига тарихнинг ўзи энг холис гувоҳдир. Инчунун, таълим ҳам бевосита тарбия билан боғлиқ жараён бўлиб, ҳар иккиси бирдек шакллантирилгандагина комил шахсларни вояга етказиш мумкин.

Ёш авлоднинг келгусидаги илмий-амалий изланишлари, юрт корига ярайдиган инсон бўлиб улғайиши, умуман олганда ойдин келажаги учун энг муҳим пойдевор мактабларда қўйилишини ҳисобга олсак, юртимизда халқ таълими тизимининг янада ривожланишига катта эътибор берилаётгани бежиз эмаслигига амин бўламиз.

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"нинг ҳаётга татбиқ этилиши, қолаверса, мазкур дастурнинг мантиқий давоми бўлган "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури" доирасида амалга оширилаётган ишлар замирида ҳам фарзандларимизни комил инсонлар қилиб тарбиялашдек эзгу мақсад турибди. Ана шу мақсад йўлида эса яқин ўтган йиллар мобайнида бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган матбуот анжумани мавзуси ҳам "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури" якунлари ҳамда янги ўқув йилидаги долзарб вазифалар хусусида бўлди.

(Давоми 3-бетда.)

ОБУНА — 2010

Қадрли юртдошлар!

Келгуси йил учун обуна аллақачон бошланди. Албатта, "Hurriyat"ни 2010 йил давомида ҳам мунтазам ўқиб боришингизга, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлишингизга шубҳа қилмаймиз.

Ўз навбатида Сиз азиз газетхонларнинг фикрингизни билмоқчи эдик:

— Қайси мавзулар эътиборимиздан четда қолаяпти?

— Кўпроқ кимлар ҳақида, нималар хусусида ўқишни истайсиз?

— Ҳаёт бор экан ютуқлар ҳам, камчилик ва муаммолар ҳам бўлади. Айтмоқчимизки, Сизни бугун қандай муаммолар ўйлантираяпти?

Бизга ёзиб юборинг. Фикр-мулоҳазаларингиз, тавсия ва таклифларингиз фаолият мезонимизни белгилайди.



Унутманг, "Hurriyat" — сизнинг минбарингиз!

Эслатиб ўтамиз: "Hurriyat"нинг нашр индекси — 233

ДУНЁ СИЁСАТИ

КХДР машқлардан норози

Кеча Жанубий Корея ва АҚШ қўшинлари Жанубий Корея ҳудудида биргаликдаги ҳарбий машқларни бошлади.



Буни Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати ўзига қаратилган юриш, деб баҳолади.

Аммо Жанубий Корея ҳукумати бу шунчаки ҳарбий машқлар эканлигини, ҳеч қандай таҳдид эмас, аксинча, ҳар бир давлат ҳарбий салоҳиятини ошириб бориши бу — биринчи навбатда ўзининг мудофааси, хавфсизлиги учун, дея изоҳ берди.

Ўз навбатида Корея Халқ Демократик Республикаси раҳбарияти матбуотда чиқиш қилиб, ҳар қандай салбий ҳолат юз бергудек бўлса, ўч олинишини билдирди.

ОАВ хабарларига қараганда, ҳозирги пайтда Жанубий Корея ҳудудида АҚШнинг 28500 нафар ҳарбий хизматчиси бор. Расмий Сеулнинг ҳарбий хизматчилари сони эса 670 минг нафарни ташкил этади. КХДР бу масалада улардан анча устунликка эга. Мамлакат ҳудудини 1,2 миллион аскар қўриқламоқда.

(Дунё хабарларининг давоми бешинчи саҳифада)

5 »

ЖАВОБ

Камчиликлар бартараф этилди

Норин туман прокуратураси томонидан "Hurriyat" газетасининг 8 июль 2009 йилдаги №29 (632) сонида босилган "Бошлиқ айтаверади, аммо маблағ йўқ" номли мақолада қайд этилган ҳолатлар юзасидан текшириш ўтказилиб, унда қайд этилган камчиликлар бартараф этилди ҳамда айбдор шахсларга тегишли чоралар кўрилди.

Хусусан, туман прокуратурасининг аралашуви билан "Тошқин" маҳалла фуқаролар йиғинидаги трансформатор қайтадан таъмирланиб, аҳолига электр энергияси етказиб бераётган симлар электр қурилмалари ўрнатилган тартиб асосида бўлиши таъминланди. Шунингдек, мақола муаллифи Р.Абдуллаевнинг хонадони тепасидан ўтган уч қаторли юқори кучланишдаги электр сими ва бир дона симёғоч хавфсиз жойга кўчиртирилди.

Текшириш якуни бўйича қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган омилларни бартараф этиш юзасидан туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари Ф.Умаров номига тақдимнома киритилиб, ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармаган «Тошқин" устачилик бўлими бошлиғи М.Қобуловга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Туман прокуратураси томонидан электр тармоқлари корхонасида электр энергиясининг истеъмолчиларга етказиб берилиши ва тўлов интизомига риоя қилиниши юзасидан дастлаб ўтказилган текшириш якунига кўра, 25.12.2008 йилда корхонанинг собиқ бошлиғи Х.Базарматов ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Ш.Эргашевларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси, 2-қисми "а, б" бандлари, 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган ва айбдорларга 28.04.2009 йилда суднинг ҳукми билан тегишли қонуний чоралар кўрилган.

Ариза муаллифи Р.Абдуллаев текшириш якунларидан қониққанини билдирди.

А.ҲУСАИНОВ,
Наманган вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси.

* * *

Мазкур мақола юзасидан Норин туман ҳокимлигидан ҳам худди шу мазмунда битилган жавоб хати келди.

2 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

КОЛЛЕЖГА ЎҚУВЧИ КЕЛМАСА... КИМ АЙБДОР?

(Бошланиши 1-бетда.)

Шу ўринда табиий савол туғилади: бугунги кунда юртимиздаги агросаноат касб-ҳунар коллежлари фаолияти қай даражада йўлга қўйилган? Биз юқорида таъкидлаганимиздек, баъзилар одатда бироз "беписандлик" билан қараётган Фарғона вилоятида жойлашган агросаноат коллежларидан иккитасида бўлдик. Бири Қувасойнинг чўл ҳудудидаги сийрак қишлоқлар ёнида жойлашган. Ер майдонлари сувга ташна, асосан тошлоқзордан иборат. Коллеж директори Гулсунбону Йўлдошева.

Иккинчиси Фарғона шаҳрига туташ сўлим Водилнинг аҳоли зич жойлашган, боғ-роғларга бой Лоғон деган қишлоғида қад ростлаган. Бу ерда маза қилиб ўқиш, илму ҳунар ўрганиш, ишлаш имконияти мавжуд. Коллеж директори Нишонбой Эсонов.

Қувасой агросаноат касб-ҳунар коллежи 720 нафар талабага мўлжалланган. Бу маскан да ўқишга талабгорлар кўплигидан талабалар сони 1000 нафарга яқинлашиб қолган. Жорий йил 251 нафар ўқувчи коллежни битириб чиққан бўлса, янги ўқув йили учун яна шунча йигит-қиз ўқишни бошлаши лозим. Лекин ҳужжат топширганлар сони 300 нафардан ошиб кетган. Натижада уларни танлов асосида ўқишга қабул қилишга тўғри келди.

Лоғон агросаноат коллежи эса 615 ўринли. Лекин ҳозир атиги 159 нафар талаба бор. Бу йил 210 та абитуриент қабул қилиши лозим, июль ойининг охиригача бўлган маълумотларга кўра, ҳужжат топширганлар атиги 90 нафарни ташкил этади.

Иккала коллежда ҳам касб-ҳунар йўналишлари деярли бир хил. Бироқ нима учун Қувасой агросаноат коллежида ўқишга талабгорлар бу қадар кўп-у, Лоғондагида қабул комиссияси аъзолари "пашша қўриб" ўтиришибди деган савол туғилади. Мазкур коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Ортиқали Носиров (коллеж директорини иш ўрнида учратиш амримаҳол экан. **С.Қ**) саволимизга бамайлихотир жавоб қайтарди: — Худо хоҳласа, атрофдаги коллежлардан ўқишга киролмай қайтганлар ҳисобига биз ҳам рўшнолик кўриб қолармиз...

Шуни айтиш керакки, Лоғон қишлоғи аҳолиси фаровон яшайди. Бу ерда газ ҳам, электр энергиясидан ҳам муаммо йўқ. Сув деганлари ҳам сероб. Аммо энг ҳайратланарлиси, шу ҳудуддаги агросаноат коллежида газ ҳам, электр ҳам, сув тармоғи ҳам йўқ. Ҳамма тармоқлар узиб ташланган.

— Пулини ҳудудий бошқарма тўламагач, кесиб кетишади-да, — дея изоҳ беради бу ҳолга директор ўринбосари. — Баъзан компьютерни маҳалладаги қўни-қўшниларникига олиб кириб ишлатиб чиқамиз...

Коллежни айлангудек бўлсангиз, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Лаборатория хоналари қуп-қуруқ, устахоналар бўм-бўш. Қишлоқ хўжалик техникасидан умуман дарак йўқ. Ётоқхона деган қулайлик ҳақида-ку ҳали ўйлаб ҳам кўрилмаган шекилли. Янги ўқув йили бошланаяпти-ю, ўқитувчилар таркибини мутахассис кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам ҳеч кимни ташвишлантирмаётганга ўхшайди.

Хўш, буларнинг барчаси учун ҳам бошқарма айбдорми? Эҳтимол, маълум маънода шундайдир. Бироқ табиий савол туғилади: коллеж раҳбарияти нима иш қилаяпти? Бу аҳволдан воқиф бўлган қишлоқ ёшлари бошқа коллежларга йўл олишаётганининг боиси аслида шу туфайли эмасмикин?

Давлатимиз томонидан жуда катта маблағлар эвазига қурилиб бунёд этилган таълим даргоҳидаги бу қадар лоқайдлик, ўз ишига бефарқликнинг сабаби нимада?

Энди Қувасой агросаноат касб-ҳунар коллежини олайлик. Яқингинада яланглик ва тошлоқзор бўлган жойда тўрт гектарлик боғ бунёд этилди. Гулзорлар ва мевазорлардан баҳри дилингиз очилади. Муҳташам коллеж биноси атрофидаги бу бунёдкорлик ишлари унинг директори Гулсунбону Йўлдошеванинг ва қувасойлик бир қатор ҳомийлар саъи-ҳаракати билан амалга оширилибди. Коллеж маъмурияти нафақат Қувасойнинг, балки қўшни туманлардаги ўрта таълим мактаблари билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ўқувчи ёшларни агросаноат коллежига жалб этиш бўйича бутун йил давомида қизиқарли тадбирлар ўтказиб борилади. Мазкур билим маскани айни пайтда вилоятдаги нуфузли коллежлар сафидан ўрин олган. Бу ердаги ўқув-амалиёт аудиториялари ва лабораториялари энг замонавий жиҳозлар, компьютерлар, технологик асбоб-ускуналар билан тўла таъминланган. Талабаларнинг маромида касб-ҳунар ва билим олиши, спорт ва бошқа маданий-маиший тадбирлар билан шуғулланиши учун зарур қулайликлар муҳайё этилган. Уларга юқори малакали мутахассис-педагоглар таълим-тарбия беришаяпти. Ана шундай даргоҳда ўқиш ва тўлақонли касб-ҳунар эгаси бўлишга ёшларимиз, албатта, бажонидил ошиқади-да!

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири.



Савоб иш

Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги байрами арафасида Қашқадарёда бир қатор хайрли тадбирлар амалга оширилаяпти. Айниқса, вилоят касаба уюшмаларининг ижтимоий ҳимоя, меҳр-мурувват тадбирлари ҳақида алоҳида тўхталиш мумкин. Масалан, яқинда халқ хўжалигининг турли соҳалари тараққиётига катта ҳисса қўшган, чекка қишлоқларда истиқомат қилувчи 50 нафар меҳнат фахрийсининг Бухоро шаҳрига саёҳатини ташкил этиш режалаштирилди.

— Нуронийлар Хўжа Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратларининг мақбарасини зиёрат қилади, — дейди вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси раиси Эсонбой Ражабов. — Шунингдек, Бухорои шарифнинг диққатга сазовор жойларини, тарихий меъморчилик ёдгорликларини ҳам бориб кўришади. Бунинг учун 1 миллион 800 минг сўм маблағ ажратилди.

Гулом АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Байрамга тайёргарлик

Янгибозор шаҳарчаси мамлакатимиз мустақиллиги билан тенгдош. Истиқлол йилларида бу ерда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Кенг, равон ва ораста кўчалар, йўллар, касб-ҳунар коллежи, спорт-интернат мактаби, болалар спорт мажмуаси ҳамда бошқа бири биридан кўркам, муҳташам бинолар ҳудуд кўркига-кўрк қўшиб турибди.

Шаҳарчада кейинги даврда юздан кўпроқ янги иш ўринлари бунёд этилди. Хусусан, янги деҳқон бозори, ўнта умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, 5 та эркаклар ва аёллар сартарошхонаси аҳоли хизматида. Айни пайтда янгидан таъмирланиб, янада чирой очган "Мустақилликнинг 10 йиллиги" номидаги маданият ва истироҳат боғида байрам олдидан тадбирлар ўтказилмоқда.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Газ идорасининг хайрли юмушлари

Андижон вилоятининг "Марҳаматтумангаз" корхонаси жамоаси бевосита туман ҳокимлиги кўмагида қишлоқ аҳолисини "зангори олов" билан узлуксиз таъминлаш ва хизмат маданиятини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошираяпти. Аввало дебиторлик қарзларни қисқартириш мақсадида ва истеъмол тўловларини ўз вақтида ундириш учун аҳоли ўртасида қатъий интизом жорий этилмоқда. Шу билан бирга, газ қувурларини тозалаш ва янги трассалар тортиш, хонадонлардаги эски газ ҳисоблагич аппаратларини янгиларига алмаштириш ишлари ҳам олиб борилаяпти.

"Шукурмерган", "Марҳамат" ва "Ҳакка ювош" маҳаллаларида газ таъминотини яхшилашга 140 млн. сўм маблағ ажратилиб, ишлар ниҳоясига етмоқда. "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ер ости газ тармоқларини янгилаш учун янги қувурлар келтирилди. Т.Мирзаев номли маҳалласида эса 539 та хонадоннинг газ таъминоти яхшиланди. Шунингдек, улгуржи истеъмолчилар ва аҳоли хонадонлари ўртасида 5 та АСУ тизими ҳамда терминаллар ўрнатилиб, тўлов ҳисоб-китоб ишлари ҳам тартибга солинди.

— Яқин орада марҳаматликлар дебитор қарзлардан халос бўлишига ва туман аҳолиси учун газ таъминотининг янада яхши йўлга қўйилишига ишончимиз комил, — дейди "Марҳаматтумангаз" корхонаси раҳбари Маъруфжон Узоқов.

Ўз мухбиримиз.

Нукуслик ўқувчиларга совға

Истиқлол шарофати билан Нукус шаҳрида кўплаб янги иморатлар, мактаблар, коллеж ва академик лицейлар бунёд этилди ҳамда бу иш айни пайтда ҳам қизғин давом этмоқда.

Жумладан, шаҳардаги 18- мактабнинг капитал қайта қурилиши учун бюджетдан 394 миллион сўм маблағ ажратилди. 5 та корпусдан иборат ушбу бинода ҳозир иш жадал олиб борилаяпти. Мустақиллик байрами нишонланадиган жорий йилда 18-мактаб биноси янги қиёфага кириб, ўқувчиларга ажойиб совға бўлади.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Ўрта Чирчиқда янги коллеж

Ўрта Чирчиқ туманида педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежи фойдаланишга топширилди. Эндиликда 435 ўқувчига мўлжалланган мазкур билим даргоҳида 5 та йўналиш бўйича касб-ҳунар ўргатилади. 2 млрд. 480 млн. сўм маблағ эвазига бунёд этилган бинони "Бинокор" қурилиш-таъминот хусусий корхонаси ишчилари бунёд этишди.

140 млн. сўмга ўқув-жиҳозлари олинди. Ўқув масканида 2 та компьютер, 2 та лингафон хонаси, Ахборот-ресурс маркази, маънавият хоналари мавжуд. 200 ўринли ошхона, анжуманлар зали, қишки спорт зали ва очиқ стадион ҳам талабаларнинг намунали ўқишлари учун хизмат қилади.

Яқинда туманда ахборот технологиялари ва сервис касб-ҳунар коллежи ҳам фойдаланишга топширилади. Қувонарлиси, бу кейинги уч йилда туманда қурилган олтинчи коллеждир.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Пластик карточкага — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

Бухоро шаҳридаги "Сомоний" марказий деҳқон бозорида фаолият кўрсатаётган савдо харид базаси шаҳар аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини пластик карточкага сотишни йўлга қўйди.

Айни пайтда харидорлар картошка, пиёз, узум каби сабзавот ва полиз маҳсулотларини ҳам замонавий усулда харид қилишмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг пластик карточка орқали амалга оширилаётган кунлик савдоси 2,5-3 миллион сўмни ташкил этаяпти. Бундан харидорлар бениҳоят мамнун.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ТАКЛИФ



"Шарқ тароналари" музейи ташкил этилса...

Мазкур халқаро нуфузли тадбир маданий алоқалар воситаси сифатида Буюк ипак йўли каби қадр топиши табиий. Негаки, унинг овозаси ҳозирданоқ етти иқлимга етиб борди.

Фестивалга дунёга танилган санъат мутахассислари ҳакамлик қилишади. 2005 йилда тадбирда иштирок этган таниқли хонанда Шарль Азнаур "Самарқанд худди ўтмишдаги каби халқаро санъатнинг таржимонига, дунё маданиятининг кўргазмасига айланмоқда" деган эди.

Дастлаб фестивалда фақат Шарқ мусиқалари ижро этилганди. Энди эса деярли барча қитъалардан меҳмонлар келишаяпти. Бу йил эса маълумотларга кўра, Мексика вакиллари ҳам ташриф буюришади.

Ҳар гал бир ҳафта ичида Самарқанд дунё маданиятини ўзида жамлайди, десак муболаға бўлмайди. Регистондаги танловдан ташқари шаҳардаги истироҳат боғлари ва туманларда ҳам унутилмас учрашувлар бўлиб ўтади. Воҳа аҳолиси, санъат шинавандалари икки йил давомида ана шу таассуротлар билан яшашади.

Лекин... бу таассуротлар, тарихий лаҳзаларнинг ҳар бир ҳолати, шукуҳи унутилиб кетмаслиги керак. Боиси видео тасмалар телестудияларда, фотосуратлар таҳририятларда имкон қадар сақланади. Лекин фестиваль ташкилотчиларининг йил давомида бу тадбир тарғиботи билан шуғулланиши режалаштирилмаган.

Шу боис, назаримизда Самарқандда "Шарқ тароналари" музейини очиш зарур. Бу ишни кечиктирмасдан амалга ошириш лозим. Сабаби вақт ўтган сайин фестиваль материалларини топиш ва тўплаш қийинлашиб бораверади.

Музейга фестивалга оид маълумот ва ҳужжатларни тўплаш, қайта ишлаш, умумлаштириш, ҳужжатли фильмлар тайёрлаш, хуллас бу нуфузли анжуман тарғиботи билан шуғулланиш вазифаси юклатилса, ўйлаймизки, халқаро маданий ташкилотлар ҳам бу савобли ишга бош қўшса ажаб эмас. Дунёнинг исталган мамлакатида "Шарқ тароналари" фотоальбомлари, видеокассеталарини кўрувчи ва харид қилувчилар топилиши шубҳасиз.

Фармон ИСҲОҚОВ,
журналист.

Агрофирма раҳбари ишдан бўшатилди

(Бошланиши 1-бетда.)

Пастдарғом туман прокуратураси томонидан "Hurriyat" газетасида эълон қилинган (15.07.2009 йил, 30-сон) "Ҳотамтой раисининг устамонликлари" сарлавҳали мақола юзасидан тумандаги Н.Казимов агрофирмаси раиси Ш.Райимқуловнинг "Гулчеҳра Хурсандова Файзли боғ" фермер хўжалиги ер майдонини ноқонуний олгани ва бошқа қонунбузарликлари ҳақидаги мурожаати ўрганиб чиқилди.

Мақолада собиқ ширкат хўжалиги маъмурий биносининг поликлиникага айлантирилиши сўралган бўлиб, ўрганиш жараёнида мазкур ҳудудда қишлоқ врачлик пункти мавжудлиги маълум бўлди. Ушбу маъмурий бинода ҳозир Н.Казимов ширкат хўжалигининг ҳуқуқий ворислари ҳисобланган "Машъал — Гулхан — Аловуддин" ММТП, "Толигулям СФУ" сувдан фойдаланувчилар ва Н.Казимов агрофирмаси ходимлари иш жойи сифатида фойдаланиб келишмоқда.

Мақолада таъкидланган, собиқ ширкат хўжалигининг мавжуд техникалари ҳамда бино иншоотлари хўжаликни қайта ташкил этиш комиссиясининг якуний хулосасига асосан "Машъал — Гулхан — Аловуддин" ММТП балансига ўтказилган бўлиб, ҳозирги кунда мавжуд техникалар бирма-бир санокдан ўтказилганда камомадлар йўқлиги, айрим техникаларнинг эҳтиёт қисмлар заҳираси яратилмагани сабабли носоз ҳолда экани аниқланди.

Ушбу мақола юзасидан Н.Казимов номли агрофирма ҳудудидаги боғ ва узумчилик фермер хўжаликлари раислари ҳамда фуқаролар билан ўтказилган йиғилишда ҳудудда боғ ва узумзорларга сув етишмаслиги ҳолатларининг олдини олмагани ҳамда мавжуд техникаларни таъмирлаш чораларини кўрмагани ва Президентимизнинг 2008 йил 6 октябрдаги 3077-сонли Фармойиши ижросини ўз вақтида бажармагани учун агрофирма раиси Ш.Райимқулов эгаллаб турган вазифасидан бўшатилди.

Ш.ХУДОЙҚУЛОВ,
туман прокурори,
адлия маслаҳатчиси.

TURON BANK

предлагает

международные пластиковые карты

VISA





Visa Electron | Visa Classic | Visa Business | Visa Gold

Валютные пластиковые Visa-карты Туронбанка позволят нашим клиентам производить расчёты за товары и услуги по одному из 29 млн. торговых терминалов или снять деньги в более 1 млн. банкоматов компании Visa в 150 странах мира.

Вклады в иностранной валюте:

Meros
12 месяцев
7%
Вклад для детей до 16 лет
Депозит открывается детям в возрасте до 16 лет. Вкладчик имеет возможность получить сумму начисленных процентов по депозиту только после 16 лет в долларах США.
Минимальный срок вклада 1 год.
Имеется годовая капитализация.

Universal
3,6,9,12 месяцев
В долларах США - 9%
ЕВРО - 6%
Английский фунт стерлингов - 3%
Вклад принимается в долларах США, ЕВРО и английских фунтах стерлингов. Вкладчик имеет возможность получить сумму начисленных процентов по депозиту авансом ежемесячно или по окончании срока депозита в национальной валюте по курсу ЦБ РУз. Вкладчик имеет возможность провести конверсию валют вклада на другую иностранную валюту, предусмотренную данным вкладом.

Bonus Plus
6,12,18 месяцев
9%
В зависимости от срока внесения вклада имеется бонус до 3%
Вкладчик имеет возможность получать сумму начисленных процентов по депозиту ежемесячно или по окончании срока депозита в долларах США.

Услуги лицензированы

Справки по телефонам: (+998 97) 700-55-55, 723-55-55.
Адрес: город Ташкент, улица Абая, 4а.
www.turonbank.uz

ЭРТАМИЗНИНГ ЁРУҒ УМИДЛАРИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Унда соҳадаги масъул муассасалар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирни олиб борган халқ таълими вазири Ғ.Шоумаров анжуман иштирокчиларига Дастур доирасида амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди.

— 2004-2009 йиллар давомида дастур доирасида мамлакатимиз бўйича 8500 га яқин мактабда қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу умуммиллий дастур том маънода умумхалқ ҳаракатига айланди. Боиси, Дастурга қўшимча 2004-2009 йиллар мобайнида маҳаллий ҳокимликлар, ҳомий ташкилотлар, жисмоний ва юридик шахслар томонидан республика бўйича 47 та янги мактаб бинолари қурилди, 30 та мактаб бинолари капитал реконструкция қилинди, 95 та мактаб капитал, 230 та мактаблар жорий таъмирланди. Ушбу хайрли ишларга жами 37,9 миллиард сўм миқдорида ҳомийлар маблағи йўналтирилди. Қолаверса, фермер хўжаликлари, ҳомий ташкилотлар, жисмоний шахслар ва ота-оналар томонидан республика бўйича жами 8,2 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди, — дейди Ғ. Шоумаров.


Бундан ташқари, давлатимиз томонидан бу ишларга бир неча юз миллиардлаб маблағ ажратилди. Мактабларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан жиҳозлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш масалаларида ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда.

"Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий куч муаллим ва унинг тафаккур дунёсидир", деган экан файласуфлардан бири. Айтиш керакки, кадрлар масаласи ҳар доим ҳам долзарб масала бўлган. Шу маънода умумтаълим мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, улар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш ҳам асосий мақсадлардан бири ҳисобланади. Хўш, бугунги кунда юртимиздаги умумтаълим мактаблари қай даражада мутахассис кадрлар билан таъминланган? Айни шу саволга ҳам анжуман давомида жавоб берилди: республика бўйича 68,9 фоиз муаллимлар олий маълумотга эга мутахассис кадрлардир. Қолганлари ўрта махсус маълумотга эга.









Анжуманда бу борада ҳам ижобий натижалар сари катта қадамлар қўйилаётгани алоҳида таъкидланди.

"2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"нинг яна бир устувор йўналиши умумтаълим мактаблари спорт базасини мустаҳкамлаш ва уларда спортни ривожлантириш ҳисобланади.

— Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман, лекин Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини дунё миқёсига олиб чиққан давлат сифатида фақатгина Ўзбекистонни тан оламан. Болалар спорти, умуман спортни умумхалқ ҳаракатига айлантириш йўлида мазкур давлатнинг жадал қадамлари таҳсинга лойиқдир. Айниқса, уч тизимли спорт ўйинлари орқали ёшларнинг бошини қовуштириш, уларни соғлом турмуш тарзига олиб кириш ҳаракатларидан намуна олсак, тажриба алмашсак арзийди, — деган эди Халқаро Олимпия қўмитаси аъзоси, Осиё Олимпия кенгаши бош котиби Раджа Рандхир Сингх. Дарҳақиқат, бугун юртимизда болалар спортини ривожлантириш йўлида ҳам изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

— Ўтган беш йил давомида Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси ва Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан жами 1736 та умумтаълим муассасаларида спорт заллари янгидан қурилди ва мавжудлари таъмирланди, — дея маълумот берди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Абдулла Ачилов. — Хусусан, агар болалар спорт мажмуалари қурилиши эндигина бошланган йилларда фойдаланишга топширилган иншоотларнинг 71 фоизи қишлоқ жойларида бунёд этилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич анча ошди, яъни 87 фоизни ташкил этмоқда.

Эътиборли томони шундаки, қилинган ислоҳотлар самараси ўлароқ шаҳар ва қишлоқларда барпо этилган замонавий спорт иншоотларида ўтказилаётган турли мусобақалар тобора анъана тусини олиб, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда самарали хизмат қилмоқда.

Халқ таълими тизимида амалга оширилаётган эътиборга молик ишлар ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши йўлидаги энг асосий қадамлардир. Эртанги кунимиз эгаларига бўлган бундай эътибор ва ғамхўрликлар эса ўз келажагимизга бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Яна бир гап: давлатимиз томонидан халқ таълими соҳасида меҳнат қилаётган инсонлар йилдан-йилга рағбатлантириб борилмоқда. Айтайлик, 2004 йилда бир ўқитувчига ўртача 63788 сўм иш ҳақи тўғри келган бўлса, 2009 йил 1 августдан бошлаб бу кўрсаткич 328696 сўмни, яъни 5,15 баробарга ўсганини кўрсатмоқда.

Таълим-тарбияга, маънавиятга ва маърифатга, демакки мактабга бўлган ғамхўрлик, эътибор ҳеч қачон ўзининг ёруғ натижаларини бермай қолмаган. Юртимиз мактаб ўқувчиларининг кейинги тўртбеш йил ичида халқаро олимпиадаларда 74 та медалларни қўлга киритгани ҳам бунинг ёркин ифодасидир.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
"Hurriyat" мухбири.

Таҳририятга хатлар

ОРЗУЛАРИ УШАЛАЁТГАН СОҲИБА

Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги Гувалак қишлоғида бундан уч йил олдин қад ростлаган замонавий спорт мажмуасида халқаро майдонларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қиладиган йигит-қизлар спортнинг бир неча тури билан мунтазам шуғулланиб келишмоқда. Курашчи қиз Соҳиба Эштемирова эса улардан бири.

— Пўлат Омонқуловнинг шогирди бўла туриб, чемпион бўлмаслик уят, — дейди Соҳиба Эштемирова. — Чунки бу инсоннинг шогирдлари Ўзбекистон чемпионатларида икки юздан ортиқ медалларни қўлга киритган. Халқаро Олимпия қўмитаси томонидан ҳам устозимизнинг фаолияти эътироф этилиб, махсус сертификат топширилгани нафақат Пўлат Омонқуловни, балки бизни ҳам кўпроқ зафар қучишга ундайди.

Ёшлар ўртасида ўтказилган вилоят биринчилигининг бош совринини қўлга киритганида Соҳиба бор-йўғи мактабнинг 9-синфида ўқирди. Шундан кейин бирин-кетин 3 карра Осиё чемпионлиги, бир марта "Жаҳон юлдузлари" фестивали ғолиблигига муяссар бўлди. Шунингдек, 2007 ва 2008 йилларда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатларида кумуш ва бронза медалларининг соҳибаси бўлди. Бу йил самбо бўйича Тошкентда ўтказилган навбатдаги мамлакат биринчилигида ҳам ғалабага эришди.

Асрор АЛЛАЁРОВ
Қашқадарё вилояти.

ОТА-ОНАНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

Кўпинча ёшларнинг жойларда, жамоат транспортида бақир-чақирига, бир-бирини туртиб ҳазиллашишига, қўл телефонидаги мусиқанинг овозини кўтариб бемалол эшитаётганларига дуч келаман. Балки уларнинг ғайрат-шижоати тўлиб-тошгани учун шундайдир. Лекин уларга қараб энсам қотади. Отамиз бизни ҳам меҳр, ҳам қатиққўллик билан тарбиялаган. Баъзи кунлари кўчага чиқишимизга ҳам рухсат бермасди. "Қоронғида юрма, ўтириб дарсингни тайёрла. Бемаҳалда юриш яхшиликка олиб келмайди", дерди.

Назаримда, уйда яхшилик, эзгулик иши қанчалик бола кўнглига сингдирилса, бундан жамият ҳам шунча кўп фойда кўради.

Меҳрибон ДЎСТ
Самарқанд вилояти.


СУВ ЯШНАТАДИ

Раҳматли Ямин ота Абдулхаев бутун умрини сувчиликка бағишлаб, 26 йил давомида Пскент туман суғориш тизими бошлиғи бўлиб ишлаганди. Оилада уч қиздан кейин туғилган Мўминжон отаси изидан боришга аҳд қилди. 1977 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олийгоҳининг гидромелиорация факультетига ўқишга кирди. Институтни битириб, ишни муҳандис-гидротехник сифатида давом эттирди.

Мана тўрт йилдирки, "Чирчиқ-Оҳангарон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли "Оҳангарон-Далварзин" ирригация тизимида бошқарма бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатаяпти.

— Сув — тириклик манбаи, — дейди Мўминжон Абдулхаев. — У борлиги учун бутун борлиқ тирик. Бугун "Оҳангарон-Далварзин" ирригация тизими бошқармаси Тошкент вилоятининг Пскент, Бекобод, Бўка, Оҳангарон, Оққўрғон туманларини сув билан таъминлайди. Биз инсон бўлиб, ширин сўзимиз билан меҳрга ташна дилларни обод қилсак, сув ерни яшнатади.

Абди ПАРДАЕВ
Тошкент вилояти.



ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

НАШР

Журналнинг 100-сони

Айни пайтда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, унинг келажак авлодларга қай аҳволда етказилиши мамлакатимизнинг барча фуқароларини қизиқтирадиган масалалардан ҳисобланади. Юртдошларимизга экология соҳасида зарур маълумотларни етказувчи оммавий ахборот воситалари орасида "Ekologiya xabarnomasi — Экологический вестник" журнали ҳам ўзига хос ўринга эга.

Миллий матбуот марказида мазкур журналнинг 100-сони чоп этилиши муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбир Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Чинор ЭНК" экологик ноширлик компанияси ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан ташкил этилди. Матбуот анжуманида табиатни муҳофаза қилиш муассасалари, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидландики 1995 йилдан бери чоп этилаётган журнал кичик идоравий босма нашрдан ихтисослашган ахборот-таҳлилий ва илмий-амалий журналга айланди, экология соҳасида фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари орасида эътиборга тушди. Адади, ҳажми ва чоп этилаётган мақолаларининг сифати ошди.

Журнал экологик ахборот бозорида атроф-муҳит муҳофазаси ва саломатлик, муқобил энергия манбалари ҳамда экологик таълим, экотуризм, шунингдек табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ахборот беради, шу билан бирга юртимизда ўзининг биринчи экологик веб-портал — www.econews.uz яратди.

Матбуот анжуманида шунингдек, "Ekologiya xabarnomasi — Экологический вестник" журнали экология соҳасидаги биринчи нашр сифатида мамлакатимизда экологик журналистиканинг асосчиси, атрофига қатор таниқли экожурналистларни тўплашга муваффақ бўлган ўзига хос мактаб экани ҳам қайд этилди.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЭЪТИРОФ

Фарғона миллий матбуоти: ўтмиш ва бугун

Аввало, водийлик ҳамкасбларнинг иштиёқи, ҳафсаласига балли! Анча заҳмат чекишган, меҳнат қилишган. Бинобарин, биз ҳам газетамизнинг 95 йиллиги муносабати билан тарихий-библиографик рисола (2008 йил) яратиш жараёнида савобли эрса-да, бу юмушнинг нечоғли машаққатли эканини англаб етгандик.



Гапнинг индаллосида китобнинг техник жиҳатдан оқилона тартиб берилгани ва аъло сифатда чоп этилганини таъкидлаш жоиз. Бир сўз билан айтганда, замонавий ноширлик намунаси. Муқоваси ҳам, вёрсткаси ҳам ҳавасингизни келтиради.

Б.Дўстқораевнинг «Фарғона миллий матбуотининг юзага келиши ва шаклланиши тарихидан" мақоласи тўпламнинг моҳиятини белгилаган, десак хато бўлмас. Негаки, матбуотимиз тарихи билимдони ўтган аср бошидаги воҳа журналистикасини зукко мутахассис сифатида таҳлил қилган. Қайси нашр қачон, ким томонидан, қай тарзда очилгани, мақолалар мундарижаси ҳақида етарлича маълумот берилган. Аммо домланинг Фарғона миллий матбуотининг шаклланиш жараёни, унинг ўзига хос анъана ва талаблари, ижод аҳлидан жасорат, зукколик, кенг дунёқараш, миллат учун жон куйдириш фазилатлари тўғрисидаги хулосалари бундан-да қадрли. Хусусан, "Садои Фарғона"да маҳаллий зиёлилар газетачиликни тезда ўзлаштиргани, миллат маърифати, эркинлиги йўлида дадил ёзганликларини билиб оламиз.

Китобда ўша газетада чоп этилган мақолалардан давр шиорига айланган иборалар келтирилганки, бу ақидалар ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Масалан, "...газетамизнинг сутунлари ҳар замон очиқ бўлиб, маслакимизга мувофиқ бўлган ҳар бир мактуб дарж ўлинажакдир". "Дардимиз — бир, касалимиз ҳам — бир, даво ва дармонимиз ҳам бирдур... Дардларимизнинг давои шофийси ёлғиз ўқумоқ ва ёзмоқдур". "Газета бутун дунёдаги маданий миллатларнинг тирикчилик йўллари, оламдаги даражалари ва ҳам олами инсоният энг тараққий таолоси учун лозим бўлғон саъй ва ҳаракатлари тўғрисида бир-бирлари билан мудовалаи афкор (кенгашмоқ) учун лозим бўлғон бир воситадур".

Энди мана бу фикрга эътибор беринг: "...газета ва журналларнинг дунё аҳволидан ва бошқа тўғриларидан халқға хабар беруб турмоғидан бошқа улуғ ва кўзга кўринмайдурғон бир фойдаси булдурки, ул она тилининг кенгаймоғи ва мукаммаллашмоғидур".

Мақоланинг аҳамияти шундаки, муаллиф миллий матбуот индаллосида зиёлилар нимани ва қандай ёзиш керак деган саволга нечоғли оқилона ва амалий жавоб берганлигини таҳлил қилган. Мақоланинг сабоғи шундаки, оқил ҳамкасбларимиз бу саволга ўз фаолиятидан жавоб излашга уринадилар. Мақоланинг қадри шундаки, у бизга ўша давр газетачилигидан маълумот бериш билан бирга зиммамизга "Сиз шундай анъаналарга содиқмисиз?" деган бир масъулиятни ҳам юклайди.

Зарафшон воҳасида миллий матбуот (аниқроғи жадидлар матбуоти) тарихидан хабардор бўлганим учун икки минтақа журналистлари кўп масалаларда яқдил, маслакдош бўлган, деган фикрга келдим. Ақида ҳам бир хил — фикрни ошкора айтиш, халққа яқин тилда ёзиш, ҳар хил тазйиқларга бардош бериш, ўчакишмаслик, эзгу ишга жонни нисор этиш.

Шу сабабли, бир нашрни ёпишса, иккинчисини очишган. Қўқонда қўйишмаса Фарғона ёки Самарқандда чоп этишган. Масалан, Ҳамза Самарқанддаги "Ҳуррият"да бир йилга яқин муддат ишлаб кетган. Садриддин Айний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Саидризо Ализодаларникида ижарада турган. Абдулҳамид Чўлпон эса 1927 йилда самарқандлик маърифатпарвар Мирзо Қўқонбой Абдулхолиқзоданинг уйида яшаган ва "Зарафшон" газетасида ишлаган. Бугунги кунда вилоят журналистлари ўртасида ижодий мулоқотлар уюштирилишини ана шу ҳамкорлик давоми, десак хато бўлмас.

Мақолада бошқа бир қатор нашрлар ҳақида мулоҳаза юритиладики, ундан Фарғонада миллий матбуот тамал тоши қай даражада қўйилганини билиб оламиз. Профессор Назира Абдуазизованинг "Ношир, тадбиркор, сиёсатчи", Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдужаббор Ҳусановнинг "Фарғона журналистикаси фахрийлари", Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси Муҳаммаджон Обидовнинг "Ижодий уюшмага уюшиб", Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Жамолиддин Ҳакимовнинг "Матбуот истиқбол йўлида" номли мақолаларини ўқиб, биз водий матбуотининг бугунга қадар бўлган фаолияти тўғрисида тўла тасаввурга эга бўламиз.

Ноширлар ҳақиқатдан ҳам кўп меҳнат қилишган. Бугунги кунда вилоятда фаолият кўрсатаётган барча нашрлар ва уларнинг раҳбарлари, етакчи журналистлари ҳақида етарлича маълумот берилган. Электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятига эса алоҳида боб ажратилган. Ҳар битта газета, журнал ёки телестудиянинг асосий йўналиши, ижодий ходимларнинг тилга тушган китоб ва мақолалари таъкидлаб ўтилгани ҳам таҳсинга сазовор.

Бевосита китобнинг ўзига келсак, назаримда газетачиликнинг ҳамроҳи ҳисобланган босмахона-матбаачиликка алоҳида боб ажратиш керак эди. Ҳар бир нашр ҳақида маълумот берилганда, унинг манзили ва телефон рақамлари кўрсатилиб ўтилганда, рисола қиммати янада ошарди.

Фарғонада матбуот мустақиллик йилларида жадал ривожланди. Шу билан бирга, бу ерда оммавий ахборот воситалари бошқа минтақаларга қараганда анча салмоқли. Уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, бошқа вилоятдаги ҳамкасблари билан ижодий ҳамкорлигига ҳавас қилса арзийди. "Фарғона ҳақиқати" вилоят газетаси бош муҳаррири Алишер Ибодинов деярли ҳар учрашувда таҳририятда ишлар янги босқичга кўтарилаётгани, матбуотга эътибор кучайгани ҳақида фахрланиб гапиради. Демак, ушбу рисола ана шу жараённинг меваси, водийлик ҳамкасбларимизнинг бизга муносиб туҳфасидир.

Фармон ТОШЕВ,
Самарқанд вилоятидаги
"Зарафшон" газетаси
бош муҳаррири.

МУЖДА

Маълумки, кейинги пайтларда ўзбек адабиётига, айниқса, ўзбек шеъриятига бўлган қизиқиш нафақат юртимизда, балки хориждаги адабий доираларда ҳам янада ортиб бормоқда. Бунинг ёрқин далили сифатида ўтган йили ҳиндистонлик шоир, доктор Праяг Сайкиа томонидан Ҳиндистонда ассам тилида 48 нафар ўзбек шоири шеърларини ўз ичига олган «Ўзбек шеърияти антологияси»нинг чоп этилгани фикримизни исботлайди.

ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ ДУНЁ НАЗДИДА

Яқинда эса Ижтимоий маданий ҳамкорлик қилувчи давлатлар — МДҲ аъзолари халқаро Фонди томонидан илк бор ўзбек ва рус тилларида «Анор» деб номланган тўплам чоп этилди. Ушбу тўпламнинг фарқли томони шундаки, ундан 10 нафар ўзбек шоири билан бирга юртимизда яшаб ижод этаётган 7 русийзабон шоирларнинг шеърлари ҳам ўрин олган. Шунингдек, бу ижодкорларнинг барчаси «Тошкент шеърияти мактаби» ва Тошкентдаги Сергей Есенин музейи ҳамкорлигида 2001 йилдан бери ўтказиб келинаётган Тошкент шеърияти очиқ фестивали қатнашчилари ҳамдир. Ўз навбатида мазкур китоб Россия ва Ўзбекистон маданий ҳамкорлик фаолиятини 2001 йилдан бери ёритиб келаётган «Кичик Ипак йўли» рус альманахининг мантиқий давоми ҳисобланади.

Уч қисмдан иборат ушбу тўпламга ўзбек шеъриятида ўз овозига эга бўлган шоирлар — Мирпўлат Мирзо, Александр Файнберг, Абдулла Шер, Турсун Али, Фахриёр, Баҳром Рўзимуҳаммад, Даврон Ражаб ва бошқа қатор ижодкорларнинг ҳам шеърий намуналари киритилган.

Адиба УМИРОВА

АВВАЛИ

БОЛАНИНГ СЎЙЛАГАН НУТҚИ УШБУДУР

Муҳтарам ота ва оғаларим!

Биз, фарзандларингизни(нг) илтифот назарингизға олуб заҳмат тортиб имтиҳон мажлисимизға келганингиз учун борча мактаб ўртоғларим ила баробар жаноби олийларингизға арзи ташаккур қиламиз. Ҳар қайсиларингизға маълум, мактабға келиб илм ўқурға киришканимизға баъзимизға бир йил ва баъзимизға икки йил бўлди, мактабға келмасдин илгари ҳеч нимарса билмас эрдук. Ҳозир бўлса, алҳамдулиллоҳ, даражамизға яраша ислом динини тануб, ўзимизнинг мусулмон эканимизни билиб ғоятда шодлануб ва ул динда бўлғон ҳукмларни, яъни фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб кабиларни билганимиздек, туркий китобларни ўқурға ҳам ёзарға биламиз. Қишнинг совуғиға тўнгмай, ёзнинг иссиғиға пишмай, ҳеч нимарсаға муҳтож ўлмай, роҳат-роҳат илм ўқудук. Дин танидук, сизларнинг шул ҳиммат ва марҳаматингизға қаршу борчамиз умримиз бўйинча хайри дуо қилурға бурчлик эканлигимизни иқрор қиламиз; Аллои Таоло ҳазратлари борчаларингизға узун умрлар бериб ва шул умрларингизи роҳат ва саодатда кечирмакни насиб қилсун. Бизларга ҳам илм нафъ беруб ва шул илмимиз ила амал қилурға ва келадурғон кунларда миллатимизға хизмат қилурға борчамизға насиб қилсун, омин!

Илм ўргатмоқ шаръан фарз бўлғон каби ақлан ҳам ғоят тейишли нарсадур. Эмди шундоғ бўлса, болани энг аввал отаси ўқутмоғи лозимдур. Отаси бўлмаса, қариндош кабиларини ўқутмоқлики лозим ва лобуддур. Қариндошлари бўлмаса, мусулмонларнинг ҳар қайсиларига лозимдурки, ёрдам қилиб ўқутмоғликлари. Бир мусулмон боласини(нг) ўқумай нодон қолуб, дунёда умрини хор ва залил ўткузуб, охират роҳатларидин маҳрум қолмоқликлари бутун мусулмонлар учун кўб зўр уятдур ва ҳам ниҳоят даражада марҳаматсизликдур. Бас, шундоғ бўлса, сиз, азиз оғаларимиздин ғоят тубанчилик ила ўтунамиз: ўқутув хусусинда мумкин қадар ҳиммат ва ғайратингизни(нг) баландроқ қилмоқингизни. Чунки шарикларимиз орасинда кўб фақирларимиз бордур. Шул фақирликлари сабабиндан кўб вақт сабақға келмай қолуб илмдин маҳрум қолурлар. Агар келсалар ҳам китоблари бўлса, дафтарлари йўқ, дафтарлари бўлса, қаламлари йўқ. Алҳосил, илм таҳсил қиладургон асбобларининг бири бўлса, бири йўқ. Ҳар касалнинг бир давоси бор каби, бизнинг бу касалимизнинг ҳам бир давоси бўлса керак. Шул сабабдан борчамиз ғоят тубанчилик ила илтимос қиламиз: бизларнинг бу дардимизға бир даво қилмоқингизни.

Ўқуб турғон мактабларимизнинг баъзи бир етушмаган ерлари бўлса ҳам бу хусусни зоти олийларингиз бизлардан яхшироқ билганларингиздин, иншоолло, тез замонда ҳар қаюларини етуштурурлар деб умид қиламиз.

"Тараққий" газетаси,
1906 йил, 20 июл.

ИЗОҲЛАР: *XX аср бошларида ташкил этилган жадид (савтия усули) мактабларида ҳар бир ўқув йили охирида жамоатчилик олдида имтиҳон ўтказиш анъана тусини олган. Бу тадбир янги усул мактабларини тарғиб этиш ҳамда унга қарши бўлган уламолар назарида ўзларини яхши жиҳатлари билан кўрсатиш мақсадида қилинган. Жадид мактабларида диний таълим беришни қабартириб кўрсатиш ҳам шу ҳодиса билан боғлиқ. Фаттоҳиддин афанди ҳамда Исмоил Алалавий бошчилик қилишган Вокресинский маҳалла мактабида ҳам 1906 йилнинг 22 майида шундай имтиҳон ўтказилган. Имтиҳондан мактаб ўқувчилари асосан муваффақиятли ўтишган. Нўғойқўрғон мактабининг ўқитувчиси Шокир Мухторий ҳам имтиҳон қилувчилардан бўлган. У мазкур имтиҳон натижаларини "Тараққий" газетасининг 1906 йил 2- ва 10- сонларида эълон қилган. Имтиҳонда 11 ёшли бола жамоатчиликка қарата бир нутқ сўзлаган. Нутқнинг ташвиқий хусусиятга эгалиги сезилиб турибди. Шу боис уни тайёрлашда ўқитувчилар яқиндан кўмак беришган. Муаллимларнинг аксарияти татарлардан бўлгани учун боланинг нутқида татарча сўз ва иборалар кўп учрайди.* ***Туркий китобларни...*** *– ўзбекча китобларни.* ***"...Ҳиммат ва марҳаматингизға қаршу..."*** *– ҳиммат ва марҳаматингизга жавобан маъносида.* ***Тубанчилик*** *– ўтиниб, бу ерда чин дилдан маъносида.* ***Шарик*** *– шерик, сафдош.* ***Етушмаган*** *– камчилик.* ***"Тараққий"*** *– 1906 йил 27 (14) июндан 3 сентябр (21 август)гача чиққан илк ўзбек миллий газетаси.*

Нашрга тайёрловчи: Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ

АКС-САДО

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ ВА УНДАГИ БИР СУҲБАТ ҲАҚИДА

"Hurriyat" газетасининг шу йил 12 август сони тоши оғир мақолалари билан мени мамнун қилганини айтгим келди. Бир эмас, бир неча таниқли ёзувчи ва журналистлар, олим ва талабалар яхши-яхши фикр-ўйлари, қалбларини безовта қилган таассуротлари билан ўртоқлашган.

Ғаффор Ҳотамнинг "Ватанга муҳаббат", Мунисхон Абдураимованинг "Дарслик ўқувчи ёшига муносиб бўлса...", Азим Баҳодирнинг "Фильм яратишдан мақсад нима?", Зулфия Ҳусанованинг «Қодирий ва биз", Нодира Холмирзаевананинг "Китоб — маънавиятнинг икки қаноти" номли мақолалари, Бойбўта Дўстқораевнинг янги эълон қилган тарихий матнлари ва Баҳодир Аминовнинг соғликка оид далиллари шулар жумласидандир. Мени айниқса, ёзувчи Шойим Бўтаев билан адабиёт, матбуот, кино ва миллий сериаллар борасидаги суҳбат қаноатлантирганини яширмайман. Чунки Ш.Бўтаев долзарб муаммоларни ўртага қўйган.

Мен Шойим Бўтаевнинг илк асари "Кунботардаги боғ"ни 1986 йили ўқигандим. Иттифоқо, "Саодат" журналида вақтинча ишларканман, бўлимга келган адабий асарлар билан танишиб, заҳирадаги Фароғат Камол, Зебо Мирзаева, Гулжамол Асқароваларнинг шеърларини ва Шойим Бўтаевнинг юқорида номи қайд этилган киссасини ўқиб, кўнглим нурланган эди.

Мен ўша пайтда Шойим Бўтаев деган муаллифни танимасдим, унинг қиссаси тили халқчил, қишлоқ ҳаётининг ҳаққоний манзаралари Улғай эна тимсоли билан менга насримизда янгилик бўлиб кўринди ва хотирам алдамаса, ундан 1986 йилнинг куз ойларида "Саодат"да парча ҳам босилди.

1987 йил апрелида "Шарқ юлдузи" қиссани тўла нашр этди. Адабий жамоатчилик асарни мамнуният билан қабул қилди. Шундан буён адибнинг ҳар бир асарини қувониб ўқийман. У республикамизнинг ҳар қайси адабий-бадиий журнал ва газеталарида фаол қатнашади. Шойим Бўтаев шундоқ кўз ўнгимда таниқли ёзувчига айланди.

1950-йилларнинг охирларида Абдулла Қаҳҳор Пиримқул Қодиров ҳақида шундай дегани ёдимда:

— Биз Пиримқулни талаба ёзувчи деб юрсак, у аллақачон бизга тенглашиб, қаторимизга кириб улгурибди...

Назаримда, Шойим Бўтаев тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. У аллақачон катта ёзувчилар билан тенглашиб қолди, десак муболаға бўлмайди. Бу сўзларим қуруқ мадҳия эмас. Масалан, унинг "Қўрғонланган ой" ("Шарқ" 1995), "Ҳаёт" ("Шарқ" 2000), "Кўчада қолган овоз" ("Маънавият", 2005), "Шох" (Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006) номли китоблари фикримга далил бўла олади.

Фақат олдиндан айтиб қўяй: Шойим Бўтаев ўткир сюжет устаси эмас, у ўқувчини қалбининг тили билан, тасвирий услуби билан, ҳаққонияти ва теран назари билан, жамиятнинг энг оғир ва тасвирлаб бериш қийин бўлган қатламларини моҳирлик ила кўрсата олиши билан бошқалардан фарқланиб туради. Абдуғофур Расуловнинг "...наср бадиийлиги асар тўқимасига сингдириб юборилган, биллур зарраларидай «ялт-юлт" ёниб турадиган топилдиқ-деталларда намоён бўлади... Шойим Бўтаевнинг қиссаларидаги увоқ тимсолларнинг мағзи тўқ, халқоналиги яққол кўзга ташланади" деган фикри айни ҳақиқатдир.

Шойим Бўтаевнинг ўзи "Hurriyat"даги суҳбатдошига аммо эл аро катта ҳурмат қозонган ва жамиятнинг ажралмас бир қисмига айланган муҳтарам аёлдир. Унинг эри ўзидан кейин катта боғ қолдирган ажойиб боғбон эди. Улғай эна қариликни ҳам, бутун дунёни ҳам унутиб, боғ неварасига ўтишини истайди. Унинг наздида боғ ватан тимсолидир ва боғ деган нарса уни ўстирган, парвариш қилган, унга эгалик қила олган одамга мерос бўлмоғи керак.

Ш.Бўтаевнинг насрий асарлари ва кинодраматургия соҳасидаги ишлари ҳақида кўп баҳслашиш мумкин, аммо гап у ҳақда эмас. Гап умумий муаммоларда. Чунончи, кўнгилочар газеталар ҳақида Ш.Бўтаев каби, журналист Ш.Жабборов ҳам ўз мулоҳазаларини билдирган. Ш.Жабборовнинг фикрича, бу газеталарнинг камчилиги бир-бирини такрорлашида. Ш.Бўтаев эса биринчи навбатда профессионализм ва ижодкорнинг вазифаси ҳақида тўхталади. Миллийликка, минг йиллик анъана ва қадриятларга эътиборни кучайтириш кераклиги устида тўхталади. Албатта, икковлари ҳам маъқул фикрни ўртага ташлаганлар. Мен уларга қўшимча қилиб, халқ кўнглидаги илғор ғояларни ёритиш ва бу йўлда жасорат кўрсатиш лозимлигини айтган бўлардим. Кўпинча раҳбар журналистлар ва киночилар фақат "беозор майдонларда" фаоллик кўрсатишади. Негадир моҳиятга киришдан қочадилар. Албатта, бу кўпроқ нашрлар бош муҳаррирларининг савияси ва эътиқоди билан боғлиқ бўлса керак деб ўйлайман. Касбий даражаси ва имони мустаҳкам муҳаррирлар ҳар қандай газетани, хоҳ у расмий, хоҳ кўнгилочар бўлсин, оммавий қила оладилар.

Миразиз АЪЗАМ


"ЭЛ ҚИЁФАСИ...

кучли шахсларда ва миллий характерларда намоён бўлади"

ВАТАНГА МУҲАББАТ

ДУНЁДА НИМА ГАП?

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Турон банк:

ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎПАЙМОҚДА

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида банкларнинг муҳим ўрин эгаллаши сир эмас. Ҳар бир банкнинг қудрати ва салоҳияти мижозларга кўрсатаётган хизматининг сифати ва салмоғи билан баҳоланади. Юртимиз тараққиётини устувор вазифа деб билиб, унга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган ОАТ Турон банкнинг Бухоро филиали бугунги кунда 3 та мини банк, 7 та халқаро пул ўтказиш шохобчаси, 7 та жамғарма касса, 3 та валюта айирбошлаш шохобчаси ва 2 та махсус кассалари орқали вилоят аҳли шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларига намунали молия хизматларини кўрсатиб келмоқда. 2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги натижаларига кўра, филиалнинг жами мижозлари сони 9562 тани ташкил қилиб, шундан 1504 таси юридик шахслар ва юридик шахс мақомига эга бўлган хусусий тадбиркорлар, 8058 таси жисмоний шахслардир.

Накд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламини кенгайтириш борасида ҳам самарали фаолият юритилмоқда. Жумладан, филиал томонидан 5500 га яқин пластик карталар муомалага чиқарилган бўлиб, 57 та терминал турли савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига, 8 та терминал коммунал ва бошқа турдаги тўловларни қабул қилиш ва накд пул маблағларини бериш учун банкнинг жамғарма кассаларига ўрнатилди. Айни вақтда филиалда халқаро пул ўтказиш тизими намунали йўлга қўйилган бўлиб, биринчи ярим йил мобайнида "Western Union", "Money Gram", "Contact", "Быстрая почта", "Золотая корона" "Coinstar" халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали 7,5 млн. АҚШ долларига яқин пулни четдан қабул қилиш, 5,5 млн. АҚШ долларидан ортиқ пулни эса бошқа давлатларга жўнатиш хизматлари кўрсатилган.

Маълумки кредитлаш молиявий муассаса фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Жорий йилнинг биринчи ярим йилида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга 2 млрд. сўмдан ортиқ кредит ресурслари ажратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 192,6 млн. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилиб, шундан 141 млн. сўми 11 нафар тадбиркор аёлларга берилди. Аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида истеъмол кредити ҳажмини кўпайтириб, банк ўз маблағи ҳисобидан 17 нафар мижозга 36 млн. сўм, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бандлик жамғармаси ҳисобидан 4 нафар мижозга 8,8 млн. сўм, 21 та кам таъминланган оилага 44,8 млн. сўмлик кредит йўналтирилди.

Молиявий муассасада Президентимиз фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан белгиланган режалар ҳам изчиллик билан амалга оширилаяпти. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан 15 та ёш оилага жами 98,6 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Шундан 2 та ёш оилага уй-жой сотиб олиш учун 57 млн. сўм миқдорида ипотека кредити, 3 та ёш оилага 17 млн. сўм миқдорида истеъмол кредити, 9 та ёш оилага 24,4 млн. сўм миқдорида тадбиркорлик учун микрокредит ажратилди. Шунингдек, 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорга асосан 275 млн. сўм, 2009 йил 28 январдаги "Мамлакатимизда озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорга асосан эса 420 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.



Шу билан бирга Юртбошимизнинг 2009 йил 29 январдаги «Уй-жой фондини "калити билан" шарти асосида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ажратилаётган кредитлар ҳам халқимиз учун қулайлик яратмоқда.

Молиявий муассасамиз кредит портфелининг тармоқ структураси халқ хўжалигининг барча соҳаларини қамраб олишни кўзда тутган. Жумладан жорий йилнинг ўтган ярим йили давомида саноатга 60 млн. сўм, қишлоқ хўжалигига 102,5 млн. сўм, қурилишга 356,5 млн. сўм, савдога 696 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Айни вақтда касб-ҳунар коллежлари ва мактаблар қурилишида ҳам банк кредитларидан фойдаланилаётганини алоҳида эътироф этмоқ жоиз. Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик қарзларини камайтириш мақсадида 441 млн. сўмлик факторинг хизматлари кўрсатилди.

Ҳисобот даврида филиалнинг жами активлари 6,7 млрд. сўмни, кредит қўйилмаларининг банк активидаги улуши 68,9 фоизни ташкил қилди. Умумий даромад 968,9 млн. сўмни ташкил қилиб, шундан 263,2 млн. сўми соф фойда, унинг самарадорлиги эса 27,2 фоизни ташкил қилди.

Келгусида ҳам аҳолига намунали банк хизматларини кўрсатиш, инвестицион лойиҳаларни, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган бизнес таклифларни қўллаб-қувватлаш, маблағларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг молиявий ҳолатини тиклаш ҳамда маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлашга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бош мақсадимиз бўлиб қолади.

Шуҳрат САФАРОВ,
ОАТ Турон банк Бухоро филиали бошқарувчиси ўринбосари. ®

ДАРАКЛАР


БИР ОИЛА ФОЖИАСИ

Чеченистоннинг Парвомайск станциясида рус миллатига мансуб оиланинг беш нафар аъзоси номаълум кишилар томонидан ўлдириб кетилган. Жиноятчилар 1,5 ёшли ўғил бола ва 3 ёшли қизга тегинишмаган.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларининг таъкидлашича, бу жиноят Чеченистондаги вазиятни издан чиқариш ва миллатлар ўртасига нифоқ солиш ниятида жангарилар томонидан амалга оширилган.

Чеченистон президенти Рамзан Қодиров жиноятчилар ҳақида маълумот берган шахсга катта миқдорда мукофот ваъда қилди. Шунингдек, у тирик қолган икки боланинг яқин қариндошлари топилмаса, ўзи қарамоғига олишга тайёр эканини билдирди. Ҳозирда ушбу жиноий иш юзасидан қидирув ва текширув ишлари бошланди.

ЯНГИ РАКЕТА



Покистон 7000 километр масофага уча оладиган баллистик ракета яратишга киришди. Бу ҳақда The Asian Age мухбирига мамлакат ҳарбий вазирлигининг ўз номини билдиришни истамаган ходими маълум қилган.

Хабарда айтилишича, янги ракета аллақачон яратилиш арафасида турибди. Яқин вақт ичида унинг дастлабки синови бўлиши мумкин. Покистонлик мутахассисларнинг фикрича, ракетанинг яратилиши мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлайди.

Таъкидлаш жоизки, Покистон дунёда ядро қуролига эга бўлган тўққиз давлатнинг бири. Ҳозирда мамлакат қуролли кучлари таркибида 60 та ядро каллаклари бор. Улар ўрнатилган Shaheen-II ракетаси ўртача 3500 километр масофагача уча олади.

ҚУШЛАР ТУЛУМИ ЎҒИРЛАНДИ

Буюк Британиянинг Тринг шаҳрида жойлашган «Табиат тарихи» музейидан



299 та ноёб қушлар тулуми ўғирлаб кетилган. The Times ва The Daily Mail газеталари бу ҳақда хабар тарқатар экан, ўғрилар орасида бу соҳани яхши биладиганлар борлигига эътибор қаратди. Чунки ўғрилар асосан энг ноёб қушларнинг тулумларини олиб кетишган.

Табиатшунос профессор Ричард Лейннинг айтишича, экспонатлар жуда катта тарихий аҳамиятга эга эди. Уларнинг айримлари бутунлай қирилиб кетган ёки табиатда жуда кам учрайдиган қушларнинг тулуми эди.

Музейда ҳаммаси бўлиб 750 мингта қушнинг тулуми сақланади. Уларнинг 8 мингтаси ноёб қушлар тулуми ҳисобланади. Улар орасида Чарлз Дарвин Голопогос оролларидан олиб келган қушлар тулуми ҳам бор.

ОШХОНАДАГИ ПОРТЛАШ



Сўнгги пайтларда Ироқда яна террорчилик авж олди. Энг ачинарлиси, бу хунрезликлардан асосан, тинч аҳоли ҳалок бўлмоқда. France-Presse хабарига қараганда, Синжар шаҳридаги ошхоналардан бирига икки террорчи кириб ўзларини портлатиб юборган. Натижада воқеа жойининг ўзида 18 киши ҳалок бўлган, 32 киши жароҳатланган. Касалхонага олиб бораётган пайтда жароҳатланганларнинг уч нафари вафот этган. Шаҳар касалхонаси директори Кифах Маҳмуднинг айтишича, ҳалок бўлганлар сони кўпайиши мумкин. Чунки 18 кишининг аҳволи жуда оғир.

Айрим сиёсатчиларнинг таъкидлашича, террорчилик диний асосда амалга оширилган. Гап шундаки, бу шаҳарда асосан езидлар яшашади. Курд тилида сўзлашувчи бу халқ ўз динига эга. Шунинг учун улар кейинги йилларда террорчиларга кўпроқ нишон бўлмоқда.

САМОЛЁТЛАР ТЎҚНАШИБ КЕТДИ

РИА Новости хабарига қараганда, ўтган куни Москва вилоятининг Жуковский шаҳарчаси осмонида иккита Су-27 қирувчи самолёти тўқнашиб кетган. Самолётлар Жуковскийда очилган МАКС-2009 авиакўргазмасидан олдин машқ ўтказаётган эди. Хабарда айтилишича, самолётлар Рибаки қишлоғи яқинига қулаб тушишган. Икки учувчи ҳам сакрашга улгурган. Бир учувчи ҳалок бўлган. Самолётларнинг портлашидан қишлоқ аҳолиси зарар кўрмаган.

Махсус комиссия тўқнашув сабабларини ўрганишга киришди.

ТЎЙ АЗАГА АЙЛАНДИ




Кувайт пойтахти ал-Кувайт яқинидаги қишлоқлардан бирида бўлиб ўтаётган тўй фожиа билан якунланди. Кутилмаганда тўй ўтаётган чодирда кучли ёнғин бошланган. Натижада 41 киши қурбон бўлган. Бу ҳақда Кувайт ахборот агентлиги — KUNA хабар тарқатди.

Кувайтда тўйларда аёллар ва болалар алоҳида, эркаклар алоҳида жойда ўтиришади. Ёнғин аёллар ва болалар ўтирган чодирда чиққан. Шунинг учун қурбонлар сони кўпчиликни ташкил этди.

Reuters хабарига қараганда, ёнғиндан ҳаммаси бўлиб 76 киши жабр кўрган. Уларнинг кўпининг аҳволи жуда оғир. Маҳаллий ўт ўчирувчилар хизмати бошлиғининг айтишича, бундан буён тез ўт оладиган чодирларда тўй ўтказиш тақиқланиши ҳам мумкин.

ГАЗ ЭКСПОРТИ КЎПАЙИШИ МУМКИН

Шу йилнинг декабрида Туркманистон ва Эронни боғловчи Давлатобод — Серахс — Хонгеран газ қувури тўла ишга тушади. Бу Туркманистонга Эронга газ экспорт қилишни 20 миллиард кубометргача кўпайтириш имконини беради. Ҳозир Туркманистон Эронга йилига 8 миллиард кубометр газ етказиб бермоқда. Шу пайтга



қадар Туркманистон газининг асосий қисмини Россия сотиб оларди.

Аммо шу йилнинг апрелида газнинг баҳоси масаласида икки томон келиша олмади ва Россия газ олишни қисқартиргандан сўнг Ўрта Осиё — Марказ тўртинчи қувурида портлаш содир бўлди. Ашхабод бу ҳалокатнинг келиб чиқишида "Газпром"ни айблади. Хуллас, ўртадаги газ можароси туфайли бугун Туркманистон бошқа шериклар изламоқда. Мутахассисларнинг фикрича, келгусида Туркманистон гази Россияни четлаб «Набукко» қувури орқали Европага етиб бориши мумкин.

ТАФСИЛОТ

БАНКЛАР ИНҚИРОЗИ

АҚШда шу йил бошидан буён ҳаммаси бўлиб 77 та банк ўзини банкрот, деб эълон қилди. Бу ерда кейинги ўн йилда ҳам бунча молия муассасаси ёпилмаган эди. Жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган шу кунларда мамлакатдаги йирик банклардан бири Colonial Bankнинг синиши дард устига чипқон бўлди. Чунки ушбу банкни иқтисодчилар АҚШ молия бозорини тартибга солиб турувчи маёқ деб ҳисоблашарди. Аммо жаҳон иқтисодий инқирози ҳеч ким билан ҳисоблашишни истамаяпти. 25,8 миллиард долларлик активларга эга бўлган банк бирдан синди. Унинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисида куни кеча АҚШ банк маблағларини суғурталаш федерал корпорацияси қарор қабул қилди. Энди Colonial Bankка тегишли барча активларининг 22 миллиарди муассаса асосий рақобатчиси BB&T корпорацияси ихтиёрига ўтади. Шундан сўнг банкнинг 356 бўлими BB&Tнинг бўлинмаси сифатида қайтадан ташкил этилади. BB&T эса мамлакатдаги энг йирик ўнта банкнинг бирига айланади.



Colonial Bankнинг бугунги аҳволи Калифорниянинг IndyMac банки билан бўлган ҳолатни эсга солади. Чунки икки банк ҳам ипотека бозорида ўта фаоллиги ва тавакалчилик оқибатларини ҳисобга олмагани учун шундай аҳволга тушди. Аммо уларни ажратиб турадиган жиҳатлар ҳам бор. IndyMac синганда омонатчилар хавотирга тушган ва каттагина шов-шув бўлган эди. Энди эса бирор банкнинг синиши оддий воқеага айланиб қолди. Одамлар ҳам бу воқеани ҳеч бир хавотирсиз, ўзи шундай бўлиши керакдек кутиб олмоқда. Иккинчи жиҳат шундаки, IndyMacнинг синиши ҳеч кимда шубҳа уйғотмаганди. Colonial Bank ёпилиши эълон қилиниши билан полиция текширув ишларини бошлади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакилларининг таъкидлашича, банк раҳбарияти фирибгарлик билан шуғулланган.

АҚШда Colonial Bank билан бир вақтда унчалик катта бўлмаса-да яна тўртта банк — Аризонанинг Community Bank of Arizona ва Union Bank, шунингдек, Пенсильваниядаги Dwelling House Savings and Loan Association ҳамда Community Bank of Nevada банклари ҳам ёпилди. Уларнинг банкрот бўлиши FDIC суғурта фондига 900 миллион долар зарар келтирди.

Умуман мамлакатда юқорида таъкидлаганимиздек, шу кунгача 77 та банк ёпилди. Бу кўрсаткични ўтган йил билан солиштирадиган бўлсак, 2008 йилда бундай банклар сони 25 тани ташкил этганди. Америка банк тизими ходимлари шу пайтгача 1993 йилни алам билан эслашарди. Ўша йили кўп эмас, оз эмас 50 та банк банкрот бўлганди. Жорий йилнинг етти ойида бу рекорд янгиланиб бўлди. АҚШ тарихида ёпилиб кетган энг бой банклардан бири Washington Mutual ҳисобланади. 307 миллиард доллар активга эга мазкур молия муассасаси ўтган йили банкрот деб эълон қилинган эди. Активи 30,7 миллиард долларлик IndyMac банкнинг ҳам ўтган йили ўз фаолиятини тўхтатиши мамлакат иқтисоди учун каттагина зарба бўлди.

Банкларнинг ёпилиш жараёни яқин вақтда тўхтамайдиган кўринади. Буни молиячилар ҳам тан олишмоқда. FDIC суғурта фонди мутахассислари 300 та банкни ёпиладиган банклар рўйхатига киритган. Ваҳоланки, ўтган йили бу рўйхатдан 90 та банк ўрин олганди. Гарчи кейинги кунларда жаҳон иқтисодида ижобий ўзгаришлар кузатилаётгани ҳақида турли хабарлар пайдо бўлаётган бўлса-да, жаҳондаги энг бой мамлакат банк тизимидаги аҳвол кишини ўйлантириб қўяди.

Масалага сал юзакироқ қарасангиз, бир неча юзта кичик банкнинг банкрот бўлиши 8000 дан ортиқ банклари бўлган мамлакатга жиддий таъсир кўрсатмайдигандек туюлади. Бунинг устига ёпилаётган банкларнинг асосий қисми кичик банклар ҳисобланади. Уларнинг активлари бир миллиард доллар атрофида. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бир неча юз банкнинг синиши банклар ўртасидаги рақобатни камайтиради. Натижада мижозларга юқори ставкада кредитлар таклиф этилади. Бу эса ўз навбатида мамлакат иқтисодининг тикланишига халақит беради.

Молиячилар банклар шундай тезликда ёпилишда давом этса, 2013 йилга бориб FDIC суғурта фонди кўрадиган зарар миқдори 70 миллиард долларни ташкил этишини башорат қилишмоқда. Аслида ҳукумат ўтган йили фондга 100 миллиард долларлик ёрдам кўрсатмаганида, бугун унинг ўзи ҳам банкротга учраган бўларди.

Ҳа, иқтисодий инқироз пайтида бу муаммоларни четлаб ўтишнинг йўлини билган ва оқилона иш тутганларгина ютади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ҲУҚУҚ

Четда ишлашни хоҳласангиз...

Инсонни эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқларидан маҳрум қилиб, бировларнинг қўлида қул бўлишига маҳкум этиш келажагини оёқ ости қилиш ҳисобланади.

Аммо айрим нопок кимсалар ҳимояга муҳтож, ишсиз қолган фуқаролар, ҳаётда қийинчиликка учраган аёллар ва ўсмир болалардан ғаразли мақсадларда фойдаланмоқда. Гўёки уларга иш топишда, муаммоларини чет элга юбориш орқали ҳал қилиш баҳонасида ўз қабиҳ ниятларини амалга оширмоқдалар.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар, инсонларнинг алдов йўли билан ўз юртидан чет давлатларга олиб чиқиб кетилаётганининг кўпайиши аксарият ҳолларда юртдошларимизнинг хорижда меҳнат қилишга доир амалдаги қонунларни яхши билмасликлари, чет элларда ишлаш учун қайси ташкилот ёки муассасага мурожаат қилиш лозимлигини тушунмасликларидан келиб чиқмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги қарорида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳукуматлараро, идоралараро шартномалар ва битимлар асосида уларни чет элга ишга юбориш ва меҳнат фаолиятини ташкил этиш фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича ҳўжалик ҳисобидаги Тошкент, Бухоро, Нукус, Фарғона ҳамда Қарши минтақавий бюроларининг кўмагида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда амалга ошириш ҳуқуқига эга экани кўрсатилган. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, юқоридаги вазирлик тасарруфидаги ташкилотлардан бошқа жисмоний ва юридик шахсларга мазкур хизматларни кўрсатиш ваколати берилмаган.

Бугунги кунда юртимизда хорижда меҳнат қилиш истагида бўлган фуқаролар учун етарли шароитларни яратишга ҳаракат қилинмоқда. Шундай экан, юртдошларимиз ҳам бундан оқилона фойдаланишса турли кўнгилсизликларга ўрин қолмайди. Фирибгарларнинг тузоғига тушиб, сарсон-саргардон бўлмайдилар.

Алишер ПИРМАТОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи.

МУЛОҲАЗА

Китоб инсон маънавиятини бойитади

лекин ҳамма ҳам буни тўғри тушунавермайди


"Hurriyat"нинг шу йил 17 июндаги 25-сонида чоп этилган журналист Аҳрор Аҳмедовнинг "Энг буюк кашфиёт ёки бугунги китобхонлик ва ноширчилик хусусида" деб номланган мақоласини ўқиб, анчадан буён менинг ҳам кўнглимдан кечган гапларни, фикр-мулоҳазаларни ўқигандек бўлдим. Рост, китобни нондай азиз билиб, ардоқлаб вояга етганмиз. Ҳатто бирор газета ё журналда тўрт қатор битигимиз чиқса-ку, биздан бахтли одам йўқ эди...

Матбуотда бугун кимдир ёшлар китоб ўқияпти деб ёзса, кимдир ўқимаяпти деб ёзғиради. Хуллас, бу гаплар янгилик эмас. Кўпгина қишлоқ ёшларининг кундалик ҳаётидан бохабар инсон сифатида мен ҳам ёшлар деярли китоб ўқимаяпти деб айтаман. Кимдир фикримга қўшилмаслиги ҳам мумкин. Лекин мактаб ўқувчиси, талаба ўқув жараёнларида қайсидир китобни олиб ўқиши ёки ўтказилган тадбирда иштирок этиши мумкин. Лекин қишлоқда қўлтиғига китоб қистирган болани кам учратасиз.

Биз ёшлар деганда фақат талаба билан ўқувчини тушунмаймиз, ахир. Олий ўқув юртини ёки коллежларни битириб, бирон бир соҳада ишлаётган 25 дан то 40 ёшгача бўлганлар ҳам ёшлар ҳисобланади. Улар ҳам китоб ўқишлари керакми? Ё мактабда, ё ўқув юртида ўқигани етадими? Албатта, бу саволларга "ўқиши керак" деб айтамиз. Хўш, агар шундай бўлса, уни қаердан олиб ўқийди? Ҳамма ҳам Тошкентга китоб излаб боравермайди-ку? Хуллас, бундай саволлар кенг миқёсдаги амалий ишларни бажаришни талаб қилади. Гапни қайта-қайта айтаверган билан ишда силжиш бўлмайди, албатта. Аввало китоб ўқишга болаларимизни оиладан ўргатиб бориш керак. Бир оилани биламан, ҳафтада бир кун ота фарзандлари ва неваралари билан ўзбек достонларини ўқишни йўлга қўйган. Болалар қизиқиш билан эшитишади ва ўзлари ҳам навбатлари келганда қироат билан китоб ўқишади.

Агар болада ёшлигидан китоб ўқишга иштиёқ уйғонмас экан, уни кейинчалик ҳеч қанақа йўл билан ўргатиб бўлмайди. Ахир, биз болаларни шунчалик қизиқтириб қўйдики, улар ўқиб беринг, ўқиб беринг деб қийқириқ солишди. Ва "Алпомиш" достони қироатли ўқиш билан янграй бошлади.

Энди мактаблардаги аҳвол тўғрисида. Тўғрисини айтиш керак, мактаблардаги китоб фондлари кейинги пайтларда анча бойитилди. Бунда Халқ таълими вазирлиги томонидан бошланган ташаббуслар туфайли



«Аввало китоб ўқишга болаларимизни оиладан ўргатиб бориш керак...»

ахлоқ-одобни, ораста кийинишни ва хушмуомалаликни доимо ўргатиб борамиз-ку. Нега энди китоб ўқишга ўргатишимиз керак эмас? Тўғри, оилангизда тўрт нафар фарзандингиз бўлса, уларнинг ҳаммасида ҳам китобга бўлган иштиёқ бир хил бўлмаслиги мумкин. Лекин хоҳлайсизми-йўқми, китоб ўқиган ўз таассуротларини барибир акасига ёки укасига, опасига ёки синглисига гапириб беради.

Болалар боғчаларида эртак китоблар ўқиш ҳар қалай яхши йўлга қўйилган. Фақат болаларни мулоҳаза юритишга ундовчи усулларни кўпроқ ишлатиш керак. Чунки бола ҳар бир нарсадан тез зерикади, янгиликка ўч бўлади. Мен бир жойда кўрдим, боғча болаларига "Алпомиш" достони ҳақида тарбиячи аввал қизиқарли қилиб маълумот берди. У болаларни шунчалик қизиқтириб қўйдики, улар ўқиб беринг, ўқиб беринг деб қийқириқ солишди. Ва "Алпомиш" достони қироатли ўқиш билан янграй бошлади.

Энди мактаблардаги аҳвол тўғрисида. Тўғрисини айтиш керак, мактаблардаги китоб фондлари кейинги пайтларда анча бойитилди. Бунда Халқ таълими вазирлиги томонидан бошланган ташаббуслар туфайли ўтказилган турли тадбирлар, ҳомийлар ва ота-оналар томонидан туҳфа этилган китоблар асосий ўрин тутади. Демак, кутубхоналарда ўқиш учун ҳар қалай китоблар бор. Энди уни кимлар олиб ўқияпти, бу бошқа масала. Менга бир мактаб кутубхоначиси шундай деган эди:

— Кутубхонага кўпроқ 5-6-7 синф ўқувчилари киришади. Улар бадиий ва тарихий асарларни сўрашади. 8-9 синфлардан эса кам киради...

Эътибор бераяпсизми, бола катталашгани сари китобдан узоқлашиб бораяпти. Тўғри, уларнинг ҳаётига китоб ўқишдан ташқари бошқа жуда кўплаб нарсалар кириб келади. Шунинг учун ҳам қўлтиғига китоб қистирган боладан кўра, қулоғига телефон тутган болани кўпроқ учратамиз.

Ҳозир Интернет адабиёти шаклланиб бораяпти. Ишонаманки, яқин кунлар ичида у янада ривож топади. Лекин ҳамма қишлоқ ёшларининг уйида ҳам компьютер бор эмас-да. Мактаблардаги мавжуд компьютерларни мукаммал ишлатишга эса етук мутахассислар етишмайди. Мана шундай пайтда оилада китобга бўлган ҳавас етилиб, чанқоқлик соғинчга айланадиган бўлса, ўша ёш китобни излаб топади, ёки аксинча.

Одамларнинг китобдан узоқлашиб бораётганига яна бир сабаб бор назаримда. Ҳар бир вилоятнинг туман марказларида илгари 2-3 та китоб дўкони бор эди. Ҳозир эса бундай дўконлар бор жойда бор, лекин аксарият ҳудудларда улар турли дўконларга айлантириб юборилган.

Яқинда илгари китоб савдосида ишлаган бир онахон ўғиллари билан янги дўкон очиб, бу хизматни йўлга қўймоқни мақсад қилибди. Яхши ният билан шаҳар четидаги бир жойни ажратишларини сўраб, ариза ёзибди. Аризасини ҳеч ҳал қилолмагач, туман раҳбарларининг бирига кирибди ва ниятини тушунтирибди. Раҳбар эса пинагини ҳам бузмай "у жойни озиқ-овқат дўкони учун ажратдик, хола, китоб қорин тўйғизмайди" дебди... Онахон ниятига етолмади, ҳозир эса ҳеч бўлмаганда кўчма китоб дўкони очиш тараддудида.

Баъзан ўйлаб қоламан: ким бугун бу ишга жон куйдириши керак? Ахир, Юртбошимиз маънавиятнинг юксалишида унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутишини ўзининг «Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида атрофлича очиб берган-ку? Демак, маҳаллий раҳбарлар ичида маънавият жонкуярлари ҳам топилиб қолар, деган умид билан яшайверамиз.

Китоб ўқимаган одамни мажбурлаб ўқитиб бўлмайди. Бунинг устига яхши китоб бўлса, ортиқча ташвиқотнинг ҳам ўрни қолмайди. Шу ўринда яхши-яхши китоблар жуда кам нусхада чоп этилиб, пойтахтдагина тарқатилаётганини, жойларда эса маҳаллий шоир ва ёзувчиларнинг китоблари борлигини рўй-рост айтишимиз керак.

Яна бир ёмон томони, "сариқ матбуот"даги шеър, қисса, достон, ҳикоя, ҳатто романлар савиясини билиб туриб, уни кўпчилик ўқиётганини биламиз. Одамни ишонтира олмайдиган воқеалар гирдобида ўқувчи гарангсираб қолади, йиғлатадиган жойини ўқиб, яхши асар экан деб ўйлайди.

Хуллас, бугун китобдан узоқлашган одамни китобга қайтариш осон эмас. "Газетани нима учун ўқийди, одам" деб менга бир танишим дабдурустдан савол берганда, аччиғим келиб, саводини чиқариш учун деган эдим. Бундоқ ўйлаб қарасам, китобни нима учун ўқиймиз деб савол бериш ҳам аслида тўғримикин?

Китоб инсонга ақл беради, мулоҳазага чорлайди, ҳаётни тушунишга ёрдам қилади деган фикрдаман-у, яна нимадир етишмаётгандек бўлаверади. Менимча, китоб инсон маънавиятининг чанқоғини босувчи қайноқ булоқдир. Бу булоқ сувидан ичиш, начора ҳар кимнинг ўз иши экан...

Ҳамид НОРҚУЛОВ

САНЪАТ

Яхши қўшиқ – дилга малҳам

Севимли санъаткор Муҳиддин Мамадалиевнинг қўшиқлари тингловчига руҳий озуқа беради. У ҳар бир санъатга ошно қалбни гўзаллик оламига етаклайди.

Омадинг кетганда эй дўст, бир дуодан сўр мадад,
Тош заминда сенга наф йўқ,
сенга осмон фойдасиз.
Қалби кар кўп, оҳу воҳинг айтиб-айтиб йиғлама,
Қалби карга шамси-анбар, шам-у, шамдон
фойдасиз...



Юксак маҳорат билан ижро этилган бу қўшиқ замирида Муҳиддин ҳофизнинг ўзи яшайди. Унинг ижросидаги "Бу қайтар дунё", "Сочингдан қора райҳон", "Умринг зиёда бўлсин", "Ораста бўлмиш", "Топилмас", "Онажоним қошида", "Эй қошлари қалдирғоч қанот", "Келдинг нима, кетдинг нима..." сингари ўнлаб қўшиқларни тинглаганингизда бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Унинг ижросида "Фарғона тонг отгунча"ни эшитганмисиз? Бу ўта мураккаб қўшиқ. Уни устоз Таваккал Қодиров маромига етказиб хониш қилган. Бу қўшиқни ижро этишга, устози анъаналарини давом эттиришга Муҳиддин ака ҳам журъат этди. "Фарғона тонг отгунча"нинг ҳар бир сатрининг ўз мавқеи, ижро тони, тембри, таъкиди, зарби, сеҳри, жойи, ўрни, вазифаси бор. Лаҳза ҳисобда, янглишиш кетмайди. Ҳофиз буни санъаткорона ижро этди. Бугунги қўшиқчилигимизда "Тановар" баландликлари, "Сегоҳ" кенгликлари, "Қора кўзим" сеҳрларини орзу қилиш анча мураккаб бўлиб қолганини тан олишимиз керак. Тингловчилар у кишининг ижросидаги оромбахш қўшиқлар билан таскин топаётгани ҳам сир бўлмай қолди. Зеро, бугун Муроджон Аҳмедов, Маъмуржон Узоқовларнинг оловли нидоларини соғинганлар Муҳиддин ҳофиз ортидан эргашаётгани ҳам ҳақ гап.

Муҳиддин ака эл-юртнинг бундай ҳурмат-эътиборига осонликча эришгани йўқ. У бундай даражага етишгунча устозлари тажрибаларини тинмай ўрганди. Лекин фақат ўз хонишига ўзига хос услуб яратди. Ҳофиз қўшиқ сўзларига, матнларига жуда талабчанлик билан ёндашади. Фарғоналик ҳассос шоирлар билан уларнинг шеърлари асосида яратиладиган қўшиқлар борасида баҳслашади. Ҳар бир сўз устида соатлаб тортишади. Бу билан қўшиқ сўзининг юки салмоқли бўлишига эришади. Қўшиқ устида бундай талабчанлик билан ишлаш санъаткорга қўшиқчиликка йўл очиб берган тоғалари – Ғофиржон ва Ғаффоржон Одиловлар ва Субҳонқул Муродовдан ўтган меросдир, десак муболаға бўлмайди.

Суҳбат асносида ҳофиздан миллий эстрадамиз ҳақида сўраганимда, у киши мулоҳазага чўмиб: "Ботир Зокировдан сўнг эстрадани кўрмаяпман. Ҳозир эстрада гуруҳлари кўп. Шовқин-сурон, олди-қочди "мусиқа"лардан иборат оҳанглар билан тингловчиларнинг асабига тегади. Айниқса, "эстрадачиман", дея кўкрагига уриб, ўзи хом-хатала шеър ёзиб, унга ўзи "куй" басталаб, ўзи ҳиргойи қиладиган қўшиқчиларга тан бермайман. Шунинг учун аввало, қўшиқчининг ўзи юксак маънавиятли ва маданиятли бўлиши керак. Шундагина ўзбек санъатимиз хазинасини бойитадиган қўшиқлар яратилади-да..." дейди.

Муҳиддин акани бугун эл танийди, эъзозлайди. У юртимизда бўлиб ўтган бир неча санъаткорлар фестивалларининг совриндори. У бундай эъзозларга санъатни муқаддас билиб, яхши қўшиқлар куйлаб эришди.

Мўмин ҚАЮМ

ТАБИАТ ВА БИЗ

Сувнинг ҳам адоғи бор

Болалигимда ҳар доим бувижонимга чой дамлаб берсам, "Сувдай сероб бўлгин, болам" дея дуо қиларди. Ўшанда бу дунёда сувдан кўра кўпроқ ва доимийроқ нарса йўқдай, бувим эса худди шу сувлардай умрбоқий бўлишимни тилаётгандай туюларди. Энди ўйлаб кўрсам, ҳар сўзи ҳикмат бўлган бувим сувдай қадрли ва керакли инсон бўлишимни тилаган бўлсалар керак.

Ҳа, кўпчилигимиз сув ҳеч қачон адо бўлмайдиган, табиатнинг бебаҳо тортиғи, деб ўйлаймиз. Бир томонлама қаралганда, ростдан ҳам, юртимизда ҳар баҳор ва куз серёғин келади, дарёлар тинимсиз оқаверади, баланд тоғларни, қолаверса, Ер шари қутбларини ҳам қор ва музликлар қоплаган. Шундай экан, хавотирланишга ўрин йўқдай кўринади. Тўғри, сув энг бебаҳо бойлик. Аммо ундан нотўғри фойдаланиш оқибатида бу неъмат ҳам камайиб кетиши мумкин. Боз устига инсон истеъмоли учун яроқли бўлган ичимлик суви курраи заминимизда бир текисда тарқалмаган.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, бутун сайёрамиздаги сув захирасининг атиги 2 фоизигина чучук сув, қолгани эса одам организмига зарарлидир. Қолаверса, бугунги кунда сув ҳавзаларини ифлословчи манбалар жуда кўп. Жумладан, оқар сувларда ҳар хил зарарли моддалар тўпланиши оқибатида унинг физик хоссалари ва кимёвий таркиби ўзгаради, сув таркибида кислород камаяди. Натижада оқава сувларда юқумли касалликлар тарқатувчи бактериялар пайдо бўлади. Бундай нотоза сув эса инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Қолаверса, маълумки одам организмининг асосий қисмини сув ташкил қилади. Мутахассисларнинг фикрича, агар киши танасидан 12 фоиз намлик йўқолса, инсон ҳаёти якун топиши ҳам мумкин экан.

Ана шу маълумотнинг ўзи ҳам инсониятни ичимлик сувининг қадрига етишга ундайди. Бунга инсон вояга етганида эмас, балки дунёга келиб, ақлини таний бошлаганиданоқ амал қилиши айни муддао бўлар эди. Зотан, болалигидан табиат тортиқларининг қадрини ҳис қилган инсон унга зарар етказмайди. Сувнинг инсон ҳаёт кечириши учун нечоғли зарур манба эканини шунчаки бир "доимий насиҳат" сифатида эмас, балки оддий турмуш тарзи сифатида қабул қилган одам уни исроф этмайди. Бу ҳаёт тортиғини исроф қилмаган киши эса ўз умрини ҳам турли исрофгарчиликлардан асрай олишига шубҳа йўқ.

Гулноза ЖУМАҚУЛОВА,
Тошкент шаҳар Баровский номидаги тиббиёт коллежининг I-курс талабаси.

ҚИЛМИШ

Фирибгар қўлга тушди

Ҳар бир ёш талаба бўлишни истайди. Бу табиий ҳол, албатта. Ахир талабаликни олтин давр дейишади. Аммо бу бахтга эришиш осон эмас. Шу боис, айрим ёшларга ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, қинғир йўлга кирганлар ва уларнинг алдовларига лаққа тушаётганлар ҳам афсуски, кам эмас.

Мисол учун, Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармасига К.Романов (барча исм-фамилиялар ўзгартирилган) ва И.Колосковалардан ариза тушди. Унда уларни Россиядаги институтга киритиб қўйиш учун яхшигина миқдорда пул сўраган кимса устидан арз қилинган эди...

Текширув натижалари шуни кўрсатдики, У.Закиров деган шахс К.Романов ва И.Колосковалар билан учрашиб, уларга "Москва институтининг "Тадбиркорлик ва ҳуқуқ" факультетида таҳсил олганини, уларни ҳам маълум сумма эвазига ушбу даргоҳга жойлаб қўйиши мумкинлигини айтади. Учига чиққан фирибгар ёшларни қармоққа илинтириб, улардан 500 АҚШ долларини олади ҳам. Аммо алданганини сезган К.Романов ва И.Колосковалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза ёзишга аҳд қилишди.

Махсус ишлов берилган валютани фирибгарлик йўли билан олаётган чоғида қўлга тушган У.Закиров айбига тўлиқ иқрор бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан У.Закировга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Убайдулло АЪЗАМОВ,
Бош Прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Тошкент шаҳар бошқармаси СОЖАБЭОО бўлими катта инспектори.

Qishloq Qurilish Bank

"Moody's Investors Service"
халқаро рейтинг компанияси томонидан

"Қишлоқ қурилиш банк"
очиқ акциядорлик тижорат банки
фаолияти учун халқаро рейтинг шкаласи бўйича аввалги
йилда берилган "B3/NP/E+" рейтинг баҳосини
"B2/NP/E+" даражасига кўтарилгани таъкидланди.

Банкка берилган барча рейтинглар
"Барқарор" прогнозига эга.

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 233-71-72, 236-16-17
e-mail: info@qqb.uz www.qishloqqurilishbank.uz

МАЪНАВИЯТ

ҲА-ЁТ

Инсон умри давомида кўп ўқийди, изланади, лекин билганлари ҳадсиз-ҳудудсиз бўлган илм уммонининг бир томчисига тенг келармикан?.. Эсини таниганидан бошлаб ёши улуғлар-у, кексаларнинг панд-насиҳатларига қулоқ тутади. Ахлоқ бобидаги китобларни синчиклаб мутолаа қилади, лекин бу борадаги билганлари ҳам улкан тоғ олдида салмоғи йўқ зарра мисол. Аммо олган шу илми ҳам унинг одамлар орасида танилишига етиб ортади.

ТАРБИЯДА ГАП КЎП

Ота-боболаримиз ўтмишда тарбияга беқиёс эътибор билан қарашгани бор гап. Агар халқимизнинг тарбия борасидаги фикрлари, ибратомуз ривоятлари, маталлари ва насиҳатлари тўлиқ жамланса, туркум китоблар вужудга келиши табиий. Шу ўринда "Бобурнома"даги Мирзо Камрон номига ёзилган мактуб эътиборга молик. Бобур Мирзо ўғлига шундай ўгит беради: ***"...Хожа Убайдуллоҳ-ким (Хўжа Аҳрор Валий) имдод қилибдур, то ғоят бу ишларнинг давлати ул азизларнинг ҳиммати-диндур.***

Ул силсиласининг мурид ва асҳоби (суҳбатдошлари) подшоҳзода деб, сенга келсалар, зинҳор акром ва эъзозларини маърий тутиб, аларнинг борасида тақсир (райини қайтармагайсан – Х.П.) қилмагайсен. Алар ким ишқ бобинда бўлурлар, севарларнинг итини ҳам севарлар..."

Мозийдан яхши маълумки, барча темурийзодалар қатори Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Хўжа Аҳрор Валийга пир сифатида чуқур ихлос қўйган. Унинг "Волидия" асарини форсийдан туркийга ўгирган. Боз устига Бобурнинг тасаввуф тариқатига, хусусан, сўфийликка эътиқодини назарга олсак, унинг нечоғли фарзандларини ҳам бу йўлга чорлаганининг боиси ойдинлашади. Хўш, бу ерда гап фақат Хўжа Аҳрорнинг ислом оламида тутган нуфузи, улуғ пир сифатида эъзозланишидами? Нафсиламбирини айтганда, бу масаланинг энг асосий ҳамда бирламчи жиҳати, холос. Назаримизда, кейинги индалло, Хўжа Убайдуллоҳнинг нуроний ёшга етганида. Ёш улуғлиги, мўътабарлик мақомига ўрта аср Шарқ дунёсида қандай муносабат қабул қилинганига алоҳида тўхталишнинг ҳожати бўлмаса керак.

Энди-чи? Бугун асрлардан-асрларга опичлаб ўтилган улкан ахлоқий меросимиз қандай қадр топмоқда? Саволларга жавобни ўзим шоҳиди бўлган бир воқеа тафсилоти билан бошласам. Автобус йўловчилар билан лиқ тўла. Кекса бир отахон ҳам автобусга чиқди. Кейинги тафсилот чипта сотувчи ва отахон ўртасидаги даҳанаки жангдан иборатки, уни батафсил баён этиб ўтиришни лозим кўрмадим. Негаки, уларнинг ҳаммаси куракда турмайдиган ҳақоратлар, қўпол сўзлардан иборат. Жанжалнинг сабаби отахоннинг пули чиптага бир-икки сўм етмай қолганида.

Яна бир жиҳат шундаки, чипта сотувчининг ёши аллақачон тарбия берадиган, бошқаларга ўрнак бўладиган фаслга етиб бўлган. Ўзўзидан савол туғилади: етарли ҳаёт тажрибасига эга баъзи кишилар нега ўзлари англаб етган одобахлоқ қоидаларига ўзлари риоя қилмайдилар?!

Тан олиш зарур, бугунги глобаллашув жараёнида, замон шиддати тезлашган бир паллада ҳар бир ҳаёт зиддияти, қарама-қаршиликлар борасида жиддий бош қотириб ўтиришга бир қатор ота-оналар, ҳатто катта ёшлиларда ҳафсала етишмаяпти. Лекин босилаётган нолойиқ қадам, нотўғри ҳаёт тарзига хос хатти-ҳаракатларнинг тўлови кейинчалик жуда-жуда оғир бўлишини ҳам унутмаслик лозим.

Хайриятки, дунёда яхшилар бор.

— Тарбиялаб, вояга етказган фарзандларимизни қобил инсон бўлишга, одамларга меҳр-оқибатли, саховатли бўлишларига даъват этиб келамиз, — дейди Қарши шаҳрида истиқомат қилувчи Бахтиёр ака Рўзиев. — Хонадонимизда оилавий китобхонликни ташкил этганмиз. Шахсий кутубхонамиз бор. Ундаги китоблардан маҳалламиздаги барча ёш-қари бемалол фойдаланади.

Ҳа, дунёда яхшилар бор. Қалби эзгуликка йўғрилган одамларнинг борлиги учун ҳам кейинги пайтларда тарбия жабҳасида анчагина жонланишлар юз бермоқда. Одатда нуроний отахон ва онахонлар дуога қўл очар эканлар: "Аллоҳ қобил фарзанд берсин...", дейди. Қобил фарзандликнинг бош белгиси эса отага ҳурмат бажо келтиришдан иборат.

Бир ўртоғим бор. Анчагина қадрдонмиз. Нима бўлди-ю, у кейинги пайтларда камнамо бўлиб қолди. Кунларнинг бирида тасодифан учрашиб қолганимизда, бунинг боисини сўрадим.

— Эй, сўраманг, жўражон, — деди дўстим аянчли алфозда. — Поччам уч қиздан кейин ўғилли бўлгани учунми якка-ю, ягона ўғлини эркалатиб, кўнглига қараб ўстирганди. Яқинда унинг никоҳ тўйини ўтказдик. Поччам моддий ночорликдан ўғлига машҳур хонандани эмас, маҳаллий қўшиқчилардан бирини таклиф этиб қўя қолишини тайинлабди. Эркатой жияним отасининг гапига парво қилармиди, билганидан қолмабди. Ҳозир эса почча касалхонада – юрак касалликлари бўлимида даволанаяпти. Аҳволини яхши деб бўлмайди. Бетарбия жиянним тўйи куни... отасига қўл кўтаришгача борган экан...

Ё, алҳазар! Донишмандлар "Осмонда Тангри, ерда ота" дейишмаганмиди! Ота учун ўз боласининг мушт ўқталиши ҳаддан ортиқ ҳақорат эмасми?!

Ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" китобидаги мазкур жумлалар ҳам мавзуга оид бўлгани учун келтиришни лозим топдик:

"Бола туғдирганларнинг ҳаммаси ҳам ота бўлавермайди.

Бола туққанларнинг ҳаммаси ҳам она бўлавермайди.

Боланинг ҳаммаси ҳам фарзанд бўлавермайди".

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтганда, тарбия борасида ишлар кўп. Қувонарлиси, истиқлол шарофати билан соф ўзбекона тарбия, ўзбекона одобахлоқ тамойиллари яна қадр топа бошлади. Муҳими — шу. Ёш авлоднинг ўзимизга хос инсоний матлабни тўғри англаб етиши борасида хайрли қадамлар босилди. Комил инсон тарбияси борасида қилинаётган ишлар келажак учун қўйилаётган пойдеворга ўхшайди. Унга мустаҳкам "тош" қўйсак, бу бизнинг энг катта ютуғимиз.

Хидирали ПАНЖИЕВ

ШЕЪРИЯТ

Сирли юлдузларга кўз тикиб бедор...



Аҳмад ХЎЖА

ИЗҲОР

Бировни камситмоқ одатим йўқдир,
Сизни севадилар улар ҳам,
Бироқ,
Менинг муҳаббатим ғоят буюкдир,
Сизни мен севаман ҳаммадан кўпроқ!

Фарзандларинг кўпдир фидойи, содиқ,
Сени деб яшарлар улар ҳам балким.
Лекин имон хаққи,
Айтаман очиқ,
Сени мен ортиқроқ севаман, халқим!

Менимча,
Ватанни севмас инсон йўқ,
Кимни йиғлатмаган бу азиз тупроқ.
Лекин менинг меҳрим буюкдан-буюк,
Ватаним, сени мен севаман кўпроқ!..

* * *

Эркинлик нафаси қайлардан келар,
Озодлик еллари қайларда елар?

Кимсасиз, сарбаланд тоғлардами у,
Ёки шивирлаган боғлардами у?

Балки, у бесарҳад уммонлардадир,
Эҳтимол, поёнсиз осмонлардадир?

Қайда ўзлигига қайтади одам,
Ёлғиз ўз қўшиғин айтади одам?

Қайда ўйларингнинг қаноти синмас,
Ғуруринг топталмас, елканг қисинмас?

...Гарчи олам чексиз, коинот беҳад,
Уларни беролур ўз юртинг фақат!

УЙ

Мўъжаз ҳовли
Бақамти хона,
Шунда кечар йилнинг тўрт фасли...
У — мен учун маскан ягона,
У — мен учун оламдир асли!

Қасрларнинг каҳкашонлиги
У бўлмаса, мен учун бекор!
У бўлмаса, мен учун бекор
Бу оламнинг бепоёнлиги...

СОҒИНЧ

Сезаман, бағримда теран бўшлиқ бор,
Шамоллар увиллаб кезар сарсари.
Унда кимларнингдир хотири яшар,
Ётар неларнингдир мубҳам излари.

Мисли ошёнига қайтмаган қушдай,
Нима ул тарк этган қалбни мутлақо?
Бу бўшлиқ — мисоли туманли тушдай,
Қувноқ болалигим ўрнимикан ё?

Ҳижрон шамолидан дарахтдай гоҳо
Неча бор эгилиб, тикланди қаддим.
Мен учун бир умр армонли дунё —
Бу сенинг ўрнингми, илк муҳаббатим?

Ёлғизлик дилимга санчганда тикан,
Йўлларга термулиб, толди кўзларим.
Бу бўшлиқ сизларнинг ўрнингизмикан,
Олис қишлоғимда қолган дўстларим?..

Баъзан тотли умид эркалар дилни,
Гўёки кутганим келиб қолади.
Гоҳо армон тоғи босар кўнгилни,
Айтинг, бу инсоннинг қандай ҳолати?

Сирли юлдузларга кўз тикиб бедор,
Биров ёди билан кечар тунларим.
Шовқинли кўчалар аро интизор
Кимнидир ахтариб ўтар кунларим!

Мурғак қалбим ичра чексиз бўшлиқ бор,
Шамоллар увиллар унда сарсари.
Унда болалигим соғинчи яшар,
Ётар илк севгининг заъфар излари.

Севинчим қушлари унга етолмас,
Бу бўшлиқ беҳаддир — бамисли фазо.
Унинг бир бурчин ҳам тўлдира олмас,
Бот-бот юрагимга кирса-да дунё.

Турфа хил йўлларни ўтиб басма-бас,
Мумкиндир сўнггига етмоқ дунёнинг.
Лекин бу соғинчнинг олови ўчмас,
Бу мавҳум бўшлиқнинг йўқдир поёни...

* * *

Бегона боғларга қилгил-у ҳавас,
Ҳеч қачон улардан ахтарма нуқсон.
Қадрдон боғингни яшнат ҳар нафас,
Фақат ўз боғингдан умид қил эҳсон!

Ташвиш кўп,
Ўзингдан ортмаган маҳал,
Майлига, чекмагил дунёнинг ғамин.
Ўз боғин гуллатса ҳар ким лоақал,
Обод бўлаверар бу яхлит замин...

* * *

(Ўғлимга)

Ўйлардим, болалар отага ўхшар,
Менинг хислатларим кўчар сенга ҳам...
Лекин сен бунчалар бўлмасанг ўжар,
Бунчалар абжирсан, бунчалар ўктам!

Ҳалитдан қиличдай кескир сўзларинг,
Турфа саволларни ташлайсан қалаб.
Ажиб журъат билан боқар кўзларинг,
Болалик ҳуқуқинг айлайсан талаб.

Тўполон қиласан тинмай эрта-кеч,
Йиқилган заҳотинг кетасан туриб.
Нечун, хўш, урмасин қалбимда севинч,
Ушбу миттигина ғуруринг кўриб.

Сувдан ҳайиқмайсан,
Ўтдан қўрқмайсан,
Шундан уйғонади дилимда фахр.
Сен оташли замон ичра яшайсан,
Ҳадсиз уммонларда сузасан, ахир!

Ногоҳ ларза солма момогулдирак,
Мағрур нигоҳ билан қарайсан кўкка.
Пайт келса, даҳшатдан титрамай юрак,
Разиллар юзига боқурсан тикка.

Ёлғон эртакларга солмайсан қулоқ,
Овутиб бўлмайди, сени, болажон.
Биз-чи, чўпчакларга ишониб кўпроқ,
Ширин орзу билан яшаймиз ҳамон.

Кўнгилда ҳукмрон ожиз қаноат,
Менинг руҳим ҳорғин, яримдир кўнглим.
Унда на шиддат бор ва на шижоат,
Менга ҳавас қилиб юрмагил, ўғлим.

Мен занжир солмасман оёғингга, бас,
Майли, ўхшамагил асло отангга.
Аждодларнинг ношуд нусхаси эмас,
Мард, жасур фарзандлар керак Ватанга!

Ахир, улар биздан бўлмаса комрон,
Келажакни қандай этади бунёд?
Башар камолотга эришар қачон,
Қандай қилиб обод бўлади дунё?..

* * *

Баъзи кимсалардан ранжимоқ мумкин,
Етса улар боис кўнгилга озор,
Мен она халқимдан юз бурмам, лекин,
Она-Ватанимдан ранжимам зинҳор!

Заминда турфа хил одамлар яшар,
Разил, хунхўрлар ҳам йўқ эмас асло!
Аммо сендан ранжиб бўлмайди, башар,
Сендан юз ўгириб бўлмайди, дунё!

ҲАҚИҚАТ

Фақат меҳварида айланар замин,
Ўз йўлида қуёш собитдир фақат!
Қолган нарсаларнинг барчаси — афсун,
Қолган нарсаларнинг бари — омонат...

САДОҚАТ

Тупроққа қоришиб ётган,
Ердаги —
Тарвуз пўчоғича йўқ эрур қадрим.
Ёниб битаётган титроқ шам каби
Тугаб бораётир тоқатим, сабрим.

Эҳтимол, сен учун йўқдир керагим,
Дейман, Бобур каби "бир сори" кетай.
Фақат сени деса ўжар юрагим,
Кўнгил узолмасам мен сендан, нетай?

Ўзим ўсган қишлоқ қабристонида
Бир куни чўнқайса менинг ҳам қабрим —
Ҳаттоки умримнинг сўнгги онида
Бирга олиб кетар номингни қалбим...

* * *

Дунёга келибман — дунёни кўрсам,
Дунё ичра оқ-у, қорани кўрсам.

Оқшом чоғ тебранса номозшомгуллар,
Тонгда — қабо очган раънони кўрсам.

Муҳаббат гулшанин гуллари кўпдир,
Не ажаб, сенингдек зебони кўрсам.

Кўйингда неча йил кезиб саросар,
Охир бир кун меҳру вафони кўрсам.

Борлиғинг — мўъжиза, сеҳр-синоат,
Не тонг, бор рост ила рўёни кўрсам!

Сени йўқотмоқдан қўрқаман фақат,
Қўрқмасман — не бало-қазони кўрсам.

Васлингга мушарраф бўлсайдим, Аҳмад,
Сўнг, майли, минг битта жафони кўрсам...

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНГА МУТЕ БЎЛМАНГ!

Мутахассислар мобиль телефонни бежиз тамакига қиёсламаган. Яқин-яқингача инсон саломатлигига жиддий зарар етказадиган "заҳри қотил"ни истеъмол қилиш, айниқса, ёшлар орасида урф бўлган бўлса, аста-секин унинг сафига уяли алоқа воситаси ҳам қўшилди. Бу ноёб кашфиёт хусусида кўп ёзилди. Масофа танламас симсиз алоқанинг афзаллик томонларидан тортиб, ёш болалар тарбиясига кўрсатадиган салбий таъсиригача бўлган жиҳатлар оммавий ахборот воситаларининг нигоҳидан четда қолгани йўқ.

XXI аср шубҳасиз, техника асри. Инсон ақл-заковатининг маҳсули — мобиль телефони дунё юзини кўрди. Гарчанд у бундан тахминан йигирма йил илгари ихтиро қилинган бўлса-да, айни ривожланган даври асосан янги юз йилликка тўғри келди. Эндиликда бутун дунёда кечаётган мобиллаштириш жараёнидан ҳоли мамлакат қолмади ҳисоб.

Илгари унинг асосий вазифаси мулоқат воситаси дея ҳисобланган бўлса, барабора янги имкониятларга эшик очилди. Натижада уяли алоқага бўлган муносабат ўзгарди. Сўнгги пайтларда у гўёки бирор шов-шувли воқеани бир зумда ҳамма ёққа тарқатувчи мосламага айлангандек. Баъзан айрим ота-оналар ёки ёши улуғлардан эшитиб қоламиз: "...шу телефон чиқди-ю, бало бўлди, болаларнинг тарбияси бузилди. Ичига ҳар нарсани ёзиб юришади". Тўғри, бу қурилма ёш бола маънавиятига салбий таъсир кўрсатиши, уни дангаса қилиб қўйиши аниқ. Лекин бу билан тараққиёт мевасини "айблаш" тўғримикан? Аслида бунинг ҳақиқий айбдори ўзимиз эмасми? Аслида унинг яхши ва ёмон жиҳатларини аниқлашда инсоннинг ўзига боғлиқ бўлган ва бўлмаган омиллар мавжуд. Биринчидан, бу юқорида таъкидлаганимиздек, унинг вазифалари билан белгиланади.

Шуни айтиш керакки, ҳар бир давлатда уяли алоқага бўлган муносабат турлича. Масалан, ҳозир АҚШдаги телефонга бўлган муносабатдан ўрнак олиш мумкин. Чунки бу ерда шу соҳага дахлдор қонун ҳам қабул қилинган. Масалан, жамоат жойларида телефонда баланд овозда гапириш, мусиқа эшитиш қатъиян ман қилинади. Бу ерда ёшлар "SMS" хизматидан деярли фойдаланмайди. Аҳолининг аксарият қисми учун мобиль телефони интернетдан фойдаланиш ҳамда



кундалик янгиликлардан бохабар бўлиш вазифасини ўтайди.

Энди мобиль телефоннинг электромагнит майдон таъсири, яъни телефонда кўп гаплашиш саломатликка қанчалар жиддий зарар етказиши мумкинлиги хусусида. Буни малакали шифокорлар ҳар доим таъкидлаб келади.

Уяли алоқанинг энг катта хавфи бу — сизда унга нисбатан мутеликнинг пайдо бўлиши. Бу бир неча хил кўринишда намоён бўлади. Масалан, агар ёнингизда телефон бўлмаса, баъзан ўзини ёлғиз ҳис қилиш, хавотирланиш, айрим ҳолларда эса васвасага тушиб қолиши ҳам мумкин. Ёки яқин кишингиз қўл телефонини ташлаб кетса ёки унутса, ундан хавотирга тушишингизга баҳона топилади. Шунингдек "SMS"-бозлик хусусида. Одам табиати шундайки, у агар телефон қилиш имконияти бўлса ҳам нуқул "SMS" — хабарга муккасидан кетади. Яна бир қарамлик — бу ахборотга бўлган эҳтиёж. Яъни телефон соҳиби доим кимдандир қўнғироқ бўлишини кутади. Телефонини қўлига олиб бирор муҳим ахборотни ўтказиб юбормадиммикан, дея ҳадеб кўз ташлайверади.

Бундан ташқари, телефон русуми билан боғлиқ "одат" ҳам мавжуд. Бундай вазиятда телефон эгаси янги русумдаги аппаратни харид қилишга уринади. Бу ҳолат айниқса, болаларда ниҳоятда кўп учрайди. Мисол учун Лондонда 97 фоиз боланинг ўз шахсий телефони бўлиб, кунига ўртача беш соат мобайнида ундан фойдаланади. Шу боис 2001 йилдаёқ Европа парламенти Европа Иттифоқига аъзо давлатлар учун вояга етмаган болаларнинг мобиль телефонидан фойдаланишини тақиқлаш тўғрисида қонун қабул қилган. Ҳаттоки телефонга болаликдан қизиқиш уйғонмаслиги учун бозорларда қўғирчоқ телефонлар билан савдо қилиш ҳам қатъиян ман қилинди.

Уяли алоқа воситалари ишлаб чиқарувчилар тахминига кўра, келаси йили жаҳонда абонентлар сони 2,5 миллиардга етади. Бу кўрсаткич дунё аҳолисининг учдан бир қисми деганидир. Натижада эса психологлар таъкидлаганидек, янги касаллик — мобиль телефонига қарамлик авж олиб бораверади.

Хулоса қилиб айтсак, мобиль телефони инсон тафаккури маҳсули. Демак, уяли алоқа қулига айланиш ёки айланмаслик ҳар биримизнинг ўзимизга боғлиқ.

Шаҳобиддин РАСУЛОВ

МАДАНИЯТ

МИЛЛИЙ ЛИБОС – МИЛЛАТ КЎРКИ

Илдизи бақувват дарахт қуримайди

Одатдаги кунларнинг бирида йўналишдаги "Дамас" автомашинасида вилоят клиник шифохонаси томонга йўлим тушди. Салон ичи йўловчилар билан тирбанд эди. Ҳайдовчининг ортидаги ўриндиқда ёши тахминан йигирмаларда бўлган жувон боласини бағрига босиб, ўтган-кетган манзараларга қараганча кетиб борарди. Эгнига қоп-қора ҳижоб кийган, катта қора рўмолга ўраниб олган, боласини ҳам негадир шу мато остига яширишга уринар эди. Ҳали бир ёшга ҳам етмаган гўдак эса ҳавонинг ўта иссиқлиги, онасининг қайноқ бағри ва устидаги рўмолнинг таъсирида тез-тез бесаранжом бўларди. Уйқули кўзчаларини қўлчалари билан ишқалаб ахийри йиғлаб юборди. Бир маромда бораётган машина ичи гўдакнинг чинқиришидан ларзага келгудек бўлди.

— Қизим, болангизнинг устини очиб қўйсангиз бўларкан, жуда қийналиб кетди, — деди аёлнинг ёнида ўтирган бир онахон. — Бола иссиқни ёмон кўтаради-да.

Ёш аёл онахоннинг гапига парво ҳам қилмади. Боласини бағрига босганича ўтираверди. Бола йиғлай-йиғлай ҳаммани безовта қилди. Шунда ҳам ёш она бунга эътибор бермади. Машина яна бирор муддат юрганидан кейин ҳалиги ёш аёл "шу ерда тўхтатиб юборинг" деди ва йўл ҳақини тўлаб тушиб қолди.

— Э, ҳайрият-ей, тинчлик ҳам бор экан-ку, — деди кимдир.

— Қоп-қора рўмол ўраб олибди-я шу иссиқда, — деди бояги онахон.

Хуллас, ҳижобли аёлнинг ортидан кимдир у деди яна бошқаси бу деди. Нима бўлганида ҳам бўлди-бўлди, боласига жабр бўлгани ва бу йўловчиларнинг дилини хира қилгани қолди...

Яна бошқа бир куни янги бозорга йўлим тушди. "Дамас" автомашинасида борар эканман, бекатлардан бирида калта қирқилган сочларини сариқ рангга бўяган, юзига обдон ҳафсала билан пардоз-андоз берган, ниҳоятда тор ва калта кофта,-жинси шим кийган ўн олти- ўн етти ёшлардаги бир қиз ҳам "Дамас"га чиқди. Орқа ўриндиқда ўтирганим боис қиз ўриндиққа жойлашибоқ қўллари билан кофтасини пастга тортқилаганига эътибор қилдим. Ҳарир матодан ишланган кофта калта бўлгани учун уни ҳарчанд тортқиласа ҳам сира "узаймасди". Каттакичик йўловчилар қизга бироз ажабланиб қарашди-ю,ёши улуғроқ отахон ижирғаниб юзини четга бурди. Қиз эса оғзидаги сақични чайнаганича кетиб борарди.

Очиғи, бу каби манзаралар кундалик турмушимизда тез-тез учраб тургани учун кўп ҳам ҳайрон қолмайдиган бўлиб қолдик.

* * *

Халқимизнинг ўзига хос тарихи ва маданияти бир неча минг йилликлар ичра ривожланиб, сайқалланиб бизга қадар етиб келгани ҳақиқат. Ўзбекнинг ўзлиги эса унинг ҳаётида, туриш-турмушида, урф-одатлари ва бетакрор либосларида сақланиб қолгани бахтимиздир. Аммо биз гоҳида ана шу бахт қадрини ҳис этиш туйғусидан мосуво қолаётгандекмиз. Ватанимизда истиқлолга эришилганидан кейин ҳукуматимиз томонидан миллий ўзига хослик борасида кўп ва хўп ишлар амалга оширилаётган бир пайтда, негадир айрим замондошларимиз ўзбекона қадриятларимизни оёқости қилмоқда. Тушунган зиёлиларимиз эса аксарият пайтларда бунга томошабинликдан бошқасига ярамай қолаяпти. Мисол учун оддийгина кундалик либосларни олайлик. Қизларимизнинг эгнида хорижда ишлаб чиқарилган, бозорларда нархи фалон пул бўлган, деярли ярим-яланғоч қилиб кўрсатадиган «либос»лар. Ёз фаслининг келиши ўзларини ўта замонавий деб билган айрим қизлар учун табиат ато қилган сулув баданларини атрофга кўз-кўзлаш мавсумига айланаётгандек. Менталитетимизга умуман ёт бўлган бу каби енгил-елпи либосларни кийган қизларда ўзбекона ибо, ҳаё ва уят ҳисси бор эканига шубҳа қилиш мумкин...

Европа мамлакатлари, Америка ҳаёти ҳақидаги бадиий ёки ҳужжатли фильмларни томоша қилсак, деярли барча аёлларнинг кийган либослари аксарият ҳолларда яримяланғоч ҳолатда бўлади. Таассуфлар бўлсинки, Тошкент ва бошқа шаҳарларда ҳам қизлар тугул катта ёшли аёллар ҳам "лямка" усулида тикилган кофта, "гафри" (калта ва тор тикилган) шим кийишни ор деб билишмайди. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Америка киноиждокорларининг "Соҳибжамол" ("Красотка") фильмини кўрмаганлар кам бўлса керак. Туриш-турмуши фоҳишабозлик билан ўтадиган фильм



қаҳрамони образини актриса Жулия Робертс қойилмақом тарзда яратган. Ўша фильмда бош қаҳрамоннинг кийимлари тор ва калта юбка, аёллик сифатлари салбий тарзда кўзга ташланиб турадиган ҳолатда бўлади. Бой мижози билан дўконга кирган фоҳишанинг ташқи кўриниши бошқаларнинг диққат-эътиборини тортади ва унга рисоладаги аёллар нафрат билан қарашади. Тўғриси, ўзларини "замонавий" деб билган айрим қизларнинг эгнида ўша фильмдаги каби енгилтабиат аёлларнинг кийимларини кундалик либос сифатида кўраётганимиз ачинарли ҳол.

— Ўзбек миллий либослари деганда авлод-аждодларимиздан бизгача мерос бўлиб келаётган либосларни кўз олдимга келтираман, — дейди Марҳамат туманининг Орол қишлоғилик 17 ёшли Умринисо Мамақодирова. — Миллий либосларимиз бизни бошқа халқлар орасида алоҳида жозибадор этибгина қолмай, ўзбек қизларининг ибосини қанчалик гўзаллигини кўрсатиб туради. Миллий либосимизни кийган қизларимизга атрофдаги барча катта-кичикнинг муносабати ҳам самимий бўлади. Афсуски, ҳозирги кунда аксарият тенгдош қизлар миллий либосларимиз аҳамиятини унутиб қўйишмоқда. Ўзи ўзбек бўлатуриб, бирор марта ҳам эгнига атлас кўйлак киймаган, фақат европача услубда кийинадиган қизлар ҳам оз эмас. Бундан ташқари миллий матоларимиздан аллақандай тушуниб бўлмайдиган бичимларда кийимлар тиктиришиб, миллийлигимизга соя солишмоқда. Бунга нима сабаб бўлаяпти, деган савол туғилади.

Менинг фикримча, бунинг боиси юртимиз бозорларини хориждан келтирилаётган, бўлар-бўлмас бичимда тайёрланган либослар эгаллаганидадир. Қолаверса, ёшларимиз енгил-елпи мавзулардаги европа кинолари таъсирида уларга тақлид қилишаётгани ҳам бор гап. Яна бошқа сабабларидан бири — ўзбек эстрадасида ёш ва гўзал хонанда қизлар сафи ортиб бораяпти. Уларнинг деярли кўпчилиги саҳнага европа кийимларида чиқишиб, ҳамманинг эътиборини тортмоқда. Бу ҳолат орамиздаги содда қизларимизга салбий таъсир қилаяпти. Қизларимиз ўзлари ёқтирган хонандасига ҳавас қилиш билан бирга уларнинг кийимларига ҳам кўр-кўрона тақлид қилишиб, шунга ўхшаш либосларни маъқул кўришаяпти... Эндигина воя-га етган йигит ёки қиз бола ўзининг мустақил фикри ва дунёқарашига эга бўлиши муҳим, деб ўйлайман. Биз кимларгадир ўхшашни эмас, балки кимлардир бизга ўхшашини хоҳлашимиз тўғри бўлади.

Дарҳақиқат, ўзбекнинг бой миллий қадриятига бошқалар ҳавас қилсинлар. Ахир, гўдакнинг дунёга келиши билан бошланадиган ширин она алласи, атак-чечак қадам ташлашига бағишланган миллий урфларимиз, мучал ёшига етган болакайларга аталган тўйлар яна қайси миллатда бор? Қиз ёки йигитнинг умрида бир маротаба бўладиган никоҳ тўйларидаги чимилдиқ деган гўзал одатимизга кимлар ҳавас қилмайди дейсиз?.. Зеро, бу бошқа мавзу.

Бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Мактабда ўқиб юрган кезларимизда адабиёт муаллимимиз бошчилигида бир гуруҳ юқори синф ўқувчилари Самарқанд шаҳрига борган эдик. Регистон майдонини айланиб юрар эканмиз, ёши элликларга борган эру хотин ҳорижликлар юрган йўлидан тўхташиб, синфдош қизимизнинг бир текис қилиб ўрилган қоп-қора сочларига маҳлиё бўлиб қараганча, ўзларининг тилларида алланималар дейишди. Уларнинг нима деганликларини тушунмасак-да, табиий гўзалликдан лол қолганликларини уларнинг кўзлари шундоқ айтиб турар эди...

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида Андижон вилоят хотин-қизлар қўмитаси яхши бир ташаббус билан чиқди. Ўзбекона урф-одатларимиз, қадриятларимизни тиклаш, замонавий ва миллий кийимларни тарғиб қилиш, ёшларни ана шундай либослар замирида миллий тарбияни юзага чиқариш, аждодларимизга муносиб ворис бўлиш, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарғиб қилишга бағишлаб "Либосларда қадрият акси" ойлиги эълон қилинди. Мазкур тадбир доирасида вилоятда салмоқли ишлар амалга оширилаяпти. Бу каби хайрли ишлар кўламини кенгайтириш, мамлакатимиз миқёсига олиб чиқиш пайти келди. Зотан, хориждагилар ўзлари ишлаб чиқараётган енгил-елпи маҳсулотларини ўтказиш учун интилаётган бир пайтда биз ҳам ўзимизнинг миллий либосларимизни фақат кўргазмалар учун эмас, ҳамиша эъзозлашимизни намоён этмоғимиз зарур. Ахир пилла ва пахтадан тайёрланган матолар жаҳон миқёсида энг қимматбаҳо дея ҳисобланади. Бизда эса бу материаллар оддий қилиб айтганда "деҳқончилик"дир. Зеро, иқлимимиз ва менталитетимизга хос ва мос бўлган миллий кийимларимизни кундалик турмушимизда кийиб юришдан фахрлансак арзийди. Айтадиларки, илдизи бақувват дарахт қуримайди. Агар маънавиятимизни илдиз деб билсак, агар у бизнинг шууримизда мустаҳкам бўлса, бизни ҳеч ким тўғри йўлимиздан адаштира олмайди.


Қадим Юнонистонда яшаб ўтган файласуф Цицерон "Адашиш ҳар бир инсонга хос сифат. Аммо адашганларнинг қайсарлик билан ўз йўлида давом этавериши — ақлсизлик" деган экан. Яратган бизни ана шундан асрасин.

Феруза МИРЗАОЛИМОВА,
журналист.

Абдулла ҚАҲҲОР:

Ҳамма гап ҳалолликда

ТАФАККУР



Шундай ёзувчилар бор: умрининг биринчи ярмида ном чиқаради. У номини боқади. Умрининг иккинчи ярмида номи уни боқади. Адабиётда бундай бўлмаслиги керак. Катта ёзувчини катта ёзувчи, ёш ёзувчини ёш ёзувчи, деб тўғри айтавериш керак.

***

Нима учун кўча ҳаракати қоидасини бузган кишига милиция ҳуштак чалади-ю, бутун бир тилни бузаётган одамларга ҳеч ким ҳуштак чалмайди.

***

Агар ёзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, мен ҳалоллик билан шижоатни биринчи модда қилиб қўяр эдим, чунки ёзувчининг бошқа ҳамма хислатлари унинг қай даражада ҳалол, нақадар шижоатли эканига боғлиқ.

***

Адабий асар ёзиш учун ҳеч шубҳасиз, талант керак, лекин ёзилган нарсани ўчириш, китобхонга зарур гапларнигина қолдириш учун талантнинг ўзи кифоя қилмайди, инсоф ҳам керак.

***

Кўпгина ҳунармандлар қариганда суйган ҳунаридан маҳрум бўлади: улоқчи от чопмайди, сурнайчи яхши пуфлолмайди, ўйинчи оёғини кўтаролмай қолади. Ёзувчи дунёга етган йигит ёки қиз бола ўзининг мустақил фикри ва дунёқарашига эга бўлиши муҳим, деб ўйлаган. Биз кимларгадир ўхшашни эмас, балки кимлардир бизга ўхшашини хоҳлашимиз тўғри бўлади.

***

Ёзувчи адабиётга икки хил киради: биринчиси асари билан тутаб, иккинчиси асари билан яшнаб киради.

***

Одам ўзининг гуноҳини бошқа бировнинг гуноҳи билан ювмоқчи бўлиши чакки, чунки гуноҳни гуноҳ билан ҳеч қачон ювa олмайди.


***

Классикларда ҳам, халқ адабиётида ҳам одатан йигитлар яхши кўрган қизларини мақташар эди: кўзинг ундоқ, ўзинг бундоқ дейишар эди, ҳозирги кўп ашулаларда қизлар ўзларини мақташади: у ёғим бундоқ, бу ёғим бундоқ дейишади.

"Эй шоир, ташаббус эркакдан бўлиши керак, булбулнинг ҳам эркаги сайрайди-ку!" дейдиган одам йўқ.

Нилуфар ТУРДИЕВА
тайёрлади.

РАССОМ ХАНДАСИ



Гар соатинг урар бонг,
Хўрозсиз ҳам отар тонг.

Жаҳонгир МИРЗО чизган сурат.

СПОРТ

ТАЙЁРГАРЛИК ЖИДДИЙ

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жаҳон чемпионатига жиддий ҳозирлик кўриш учун Лондонда ўтаётган ўқув машғулотлари пайтида бир қатор ўртоқлик учрашувларини ўтказди. Дастлабки синов баҳсида "Фулҳэм" клуби ёшларига қарши майдонга тушган Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари 2:1 ҳисобида имкониятни бой берган бўлса, дунёнинг машҳур жамоаларидан бири "Челси" ўринбосарларига қарши кечган ўйинда юртдошларимиз ғалаба қозонди. Учрашувдаги ягона голга истеъдодли футболчимиз Санъат Шихов муаллифлик қилди.

Вакилларимиз сўнгги назорат учрашувини 17 август куни Бирмингем шаҳрининг "Астон Вилла" жамоаси захира таркибига қарши ўтказиб, 2:0 ҳисобида мағлубиятга учради.

ГАП ШУНДАКИ...



www.region.uz сайтининг тарқатган маълумотларига қараганда, 8 август куни футбол бўйича Ўзбекистон кубоги финалида "Пахтакор" футбол жамоаси ютиб олган кубок қайтариб олиниши мумкин.

Гап шундаки, "Пахтакор" томонидан финал ўйинига бериладиган рўйхатга жамоанинг янги вакили Рўзим Аҳмедов ҳам киритилганди. У "Бунёдкор" билан бўладиган ўйинда иштирок этадиган 18 нафар футболчи қаторидан жой олган, аммо учрашувда иштирок этмаган. Бироқ мусобақа регламентига кўра, мазкур ўйинчи захирадан ҳам жой олмаслиги керак эди.

Сабаби Рўзим Аҳмедов Ўзбекистон чемпионати биринчи давра учрашувларида "Хоразм" жамоаси сафида тўрт марта сариқ карточка билан "сийланган". Регламентга кўра, тўртта сариқ карточка олган футболчи навбатдаги ўйинда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Шу боис Рўзим Аҳмедов "Бунёдкор" жамоасига қарши ўйинда "Пахтакор" клуби ўйинчилари сафига киритилмаслиги лозим эди.

Яқинда мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон футбол федерацияси тартиб-интизом қўмитасининг мажлиси ўтказилади. Унда мамлакатимиз кубоги учун бўлган учрашувдаги аҳвол атрофлича муҳокама этилади.

"АЛ-ИТТИҲОД" ТАРКИБИНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

"Пахтакор" футбол клубининг Осиё чемпионлар лигаси чорак финалидаги рақиби Жидда шаҳрининг «Ал Иттиҳод» жамоаси яқинда Тунис терма жамоаси ҳужумчиси Амин Шермитни бир йиллик ижара асосида ўз таркибига қўшди.

"Пахтакор" клуби расмий сайтининг маълум қилишича, мазкур футболчи 2007 йилги Африка чемпионлар лигасида яхши иштирок этган. Шундан сўнг, у Берлиннинг «Герта» жамоаси сафида тўп сурган ва ўтган мавсумда ушбу клуб таркибида ўнта учрашувда майдонга тушган.

Эслатиб ўтамиз, бундан бироз вақт илгари жиддаликлар аргентиналик футболчи Лучиано Легизамонни ҳам бир йилга ижарага олишганди.

УСЭЙН БОЛТНИНГ ЯНГИ РЕКОРДИ



Уч карра Олимпиада чемпиони ямайкалик Усэйн Болт қўлга киритган ютуқлари сафига 100 метрга югуриш бўйича жаҳон чемпионлигини ҳам қўшди. Мусобақанинг финал қисми ўтказилган Берлин шаҳрида у камдан-кам учрайдиган натижани қайд этди. Спортчи маррага 9,58 секундда етиб келишга эришган. Бу кўрсаткич жаҳонда янги рекорд ҳисобланади.

Хабарингиз бор, 100 метрга югуриш бўйича аввалги жаҳон рекордни (9,69 секунд) ҳам Усэйн Болт Пекинда бўлиб ўтган Олимпиада баҳсларида ўрнатган эди.

АЁЛЛАР БОКСИ ОЛИМПИАДА БАҲСЛАРИДА

Халқаро Олимпиада қўмитаси 2012 йилда Лондонда бўлиб ўтадиган мусобақа ўйинларига аёллар бокси ҳам киритилганини маълум қилди. Эндиликда аёллар



олимпиадада уч вазн тоифасида — 51 кг. 60 кг. ва 75 кг. гача бўлган вазнларда баҳс олиб боришади. Шунингдек, ХОҚ қарорига кўра, 2016 йилдан бошлаб Олимпиада ўйинлари дастурига гольф ҳамда регби-7 спорт турлари ҳам қўшилади.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

HURRIYAT
МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

e-mail: hurriyat@doda.uz

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.00

® — тижорат белгиси.

Адади: 10589 Буюртма — Г-726 12345